



HURRIYAT

MUSTAQIL GAZETA

2012-yil 28-mart, chorshanba * № 14 (766) * 1996-yil dekabrda chiqarib boshlagan * elektron manzil: hurriyat@doda.uz * www.uzhurriyat.uz

ТЕНГИ ЙЎҚ ТАНГАЛАР

Археологлар Англиянинг Бат шаҳридаги тарихий жойлардан бирида 30 минг дона қадимги Рим кумуш тангасини топишди, деб ёзади «The Daily Telegraph».

Тангалар эрамининг 270 йилларига тўғри келади, дейишмоқда мутахассислар. Уларнинг қиймати эса ҳозирча 150 минг фунт стерлинг атрофида баҳоланаяпти. Айни пайтда тангалар таҳлил қилиш учун Лондондаги Британия музейига жўнатилади.



➔ 5-бет

МИЛЛИЙ ҲАҚИҚАТИМИЗ ҲАВАСИДА

Бир вақтлар инсоният тафаккури, фан ва маданиятнинг энг кўхна ўчоқларидан бири бўлган бу муқаддас замин — Синою Беруний, ал-Фарғоний ал-Хоразмий, Форобий Улуғбеклар ватанига истиқлол шарофати ила фойза қайтди. Танлаган йўлидан дадил одимлаётган халқимиз фан, таълим, тиббиёт, маданият, спорт ва шу сингори барча соҳаларда бемисл ютуқларга эришиб, дунё эътиборини тортди.



➔ 7-бет

МЕҲР ВА СЕҲР

— Бир бор экан, бир йўқ экан, қадим ўтган замонда, Кўкон деган томонда... Қизиқ, шу сўзлар қулғимизга чалиниши биланок негидир давримизга ўз-ўзидан жирик чўқди. Хаммамиз ўйга толди. Менинг кўз ўнгимда анчадан бери бормаган қишлоғим, мураккабимда хароқшом биз — ака-укаларга эртақ-сўзлаб берадиган онам гавдаланди. Чамомда, бошқолар ҳам шундай ширин хотиралар оғушида қолган эди...



➔ 8-бет


ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

* 20 март куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон ва Япония ҳукуматлари ўртасида Япония ҳукуматининг бегараз ёрдам дастури доирасида “Тиббий ускуналарни етказиб бериш” лойиҳаси бўйича алмашув ноталари имзоланди.

* 23 мартда Президент Ислам Каримовнинг Наврўз байрамига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзи матбуотда эълон қилинди.

* 23-24 март кунлари Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг саккизинчи ялпи мажлиси бўлиб ўтди. Унда сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча соҳаларини изчил ислоҳ қилиш ва либераллаштиришга қаратилган, тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришни, давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштиришни, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни, аҳолининг бандлиги ва турмуш даражасини ошириш, мамлакатда қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлашни назарда тутадиган 21 та масала, шу жумладан 10 та қонун кўриб чиқилди.

Термиз шаҳридаги Хотира майдонида Жанубий-ғарбий махсус ҳарбий округга қарашли Термиз гарнизонининг ёш аскарлари қасамёд қабул қилди. Тадбирда давлат ва жамаот ташкилотлари вакиллари, ота-оналар иштирок этди.



✓ Ватан ҳимояси — муқаддас бурч

шон-шароф ишига, миллий армиямиз ўғлонларимиз учун мардлик ва жасорат мактабига айланди. Тадбирда Жанубий-ғарбий махсус ҳарбий округ кўмондони ўринбосари, полковник Салаймахсум Шарипов, Термиз шаҳар ҳокими Нейматулло Сатов, “Нуроний” жамғармаси шаҳар бўлими раиси Холназар Менглиев, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳар кенгаши раисининг ўринбосари Файзулло Боймуратов, оддий аскар Давронбек Каримов ва бошқалар шулар ҳақида атрофлича фикр юртди.

— Ҳарбий хизматни юртимиздан олис ўлкаларда ўтаганман, — дейди Кўкон шаҳридан келган Турғунали Умрзоқов. — Бизнинг давримизда муқаддас ҳарбий хизматга мажбурлан жўнатишган. Йигув пунктларида ҳам, ҳарбий қисмда ҳам аскарларга деярли шароит йўқ эди. Бугун ўғлим Уринбойнинг қасамёд қабул қилиш маросимида иштирок этиб, беихтиёр ўзим хизмат қилган даврни эсладим. Ватанимиз осойишталиги, сарҳадларимиз мустақамлиги йўлида ҳарбийларга кўрсатилаётган ғам-хўрликлардан чексиз фахр ҳиссини туйдим. Яратилган бундай шароитлар ёш авлодининг юртга муҳаббат, Ватанга садоқат туйғусини янада кучайтириб, муқаддас ҳарбий хизматни аъло даражада ўташида муҳим омил бўлаётди.

— Она учун фарзанднинг билалиқига беғубор

орзулари ушалаётганини кўришдан ортиқ бахт бўлмас керак, — дейди Самарқанд вилояти Пастдарғом туманидаги Қорсултепа маҳалласида истиқомат қилувчи Сурайё Норқобилова. — Ўғлим Фарҳоджон ёшлигидан ҳарбий соҳага меҳр қўйди. Шу боис тест синовларидан муваффақиятли ўтиб, муқаддас ҳарбий хизматга йўл олди. Бугун оиламиз ҳаётида унутилмас воқеа. Ўғлим тантанали равишда Ватанга содиқ бўлиш учун қасамёд қабул қилди.

— Ёшлигимдан ҳарбий хизматчи бўлишни орзу қиламан, — дейди Тошкент вилоятининг Пискент туманидан муқаддас ҳарбий хизматга келган оддий аскар Озоджон Абдулазизов. — Ана шу мақсадда спорт билан шугулландим. Ўқидим. Ўтган йили Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтини тугатиб, муқаддас ҳарбий хизматга чакирилдим. Тест синовларини муваффақиятли топширдим. Бугун ота-онам ва яқин қариндошларим гувоҳлигида ҳарбий қасамёд қабул қилдим. Ана шу қасамёдига бир умр содиқ қоламан. Биз хизмат қилаётган ҳарбий қисмда жисмонан чиниқиб, соҳани чуқур ўзлаштириш учун барча имкониятлар мавжуд. Президентимиз, халқимиз ишончини оқлаб, она Ватан олдидаги муқаддас бурчимизни юксак даражада адо этамиш.

Х.МАМАТРАЙИМОВ, ЎЗА мухбири

ҚАСАМЁДИМИГА БИР УМР СОДИҚ ҚОЛАМАН

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида Қурултай Кучларимизда амалга оширилган туб ислохотлар самарасида илҳам ва тезкор, замонавий қурул-яроғ, техника ва малякали кадрлар билан таъминланган миллий армиямиз барпо этилди.

қий-руҳий ва маънавий муҳит шаклланди. Ёшларнинг ҳарбий хизматга чақирув тизими такомиллаштирилди ва йигув пунктларининг инфратузилмаси тубдан яхшиланди.

Ҳарбий хизматга жисмонан соғлом, чуқур билимга эга, юксак салоҳиятли ёшларни саралаб

олиш тартиби жорий этилиб, муқаддас ҳарбий хизмат бир йилгача қисқартирилди. Намунали хизмат қилган аскарлар олий ўқув юртыларига ўқишга киришда имтиёз берадиган кўмондонлик тавсияномаларини олмақда. Соҳага қаратилаётган алоҳида эътибор натижасида

ёшларимизда мамлакатимиз мустақиллиги, хавфсизлиги ва сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлашга қизиқиш, Ватан ҳимояси учун масъуллиқ туйғуси тобора кучаймоқда. Қурултай Кучларимиз сафида хизмат қилиш нафақат конституциявий бурч, балки том маънода



«Hurriyat» газетаси «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси самолётларида ҳам йўловчиларнинг доимий ҳамроҳи.

✓ Диққат: танлов!

Босма оммавий ахборот воситалари ходимлари ўртасида “МУСТАҲҚАМ ОИЛА — ЖАМИЯТ ТАЯНЧИ” республика танлови

Танловга тақдим этиладиган мақолалар ва фотосуратларда:

— Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги “Бизнинг йўлимиз — демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир” маърузасида, 2012 йил 27 февралда қабул қилинган “Мустаҳқам оила йили” Давлат дастури тўғрисида”ги қароридан амалдаги самараларини атрафлича ёритиш;

— жамиятимизнинг асосий бўлими оила институтини янада

мустаҳқамлаш ва ривожлантириш, оилаларни, айниқса, ёш оилаларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда қўллаб-қувватлашни кучайтириш борасида жойларда олиб борилаётган ишларни кенг ёритиш;

— жамиятимиз ва кундалик ҳаётимизда маҳалла институтининг ролини янада кучайтириш ва мақомини ошириш, “Мустаҳқам оила йили” Давлат дастури мақсад ва вазифаларини ҳаётга татбиқ этишда маҳалла ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари аҳамиятини, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш ҳамда шакллантиришда уларнинг ролини кучайтириш, ёш оилаларга зарур кўмак ва ёрдам бериш борасида амалга оширилаётган ишларни ёритиш;

4»

✓ Фаолиятга бир назар

СПОРТ МИЛЛАТНИ УЛУҒЛАЙДИ



Истиқлолга эришилган дастлабки йиллардан бошлаб мамлакатимизда Юртбошимиз раҳнамолигида соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, балки миллат ва халқ манфаатига хизмат қилувчи восита ҳисобланади.

кил этилгани, қолаверса, Ўзбекистоннинг МДҲ давлатлари орасида биринчилардан бўлиб Халқаро Олимпия кўмитасига аъзо бўлгани, Осиё Олимпия ҳаракати ҳамда минтақавий ташкилот саналмиш Осиё Олимпия Кенгашининг тенг ҳуқуқли аъзосига айлангани мамлакатимиз тарихи зар-варақларига олтин ҳарфлар билан битилди.

3»

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎЗА Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди республика бошқаруви, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Ўзбекистон Баддий академияси, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги ва бошқа бир қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда босма оммавий ахборот воситалари ходимлари ўртасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 27 февралда қабул қилинган қарори билан тасдиқланган “Мустаҳқам оила йили” Давлат дастурининг ижросини таъминлаш мақсадида “Мустаҳқам оила — жамият таянчи” мавзусида энг яхши мақолалар ва фотосуратлар республика танловини эълон қилади.

Дастур ва лойиҳалар ижроси

ҳар биримизнинг масъулиятни чуқур ҳис қилиб ишлашимизга боғлиқ

Сўнгги бир йилда Тошкент вилоятида ишлаб чиқариш ривожига йўналтирилган барча дастурлар доирасида 168,2 миллиард сўм ва 93,8 миллион АҚШ доллари миқдоридagi сармоялар ўзлаштирилди, 454 та янги корхона ишга туширилиб, 8 мингта яқин иш ўрни яратилди. Барча мулк шаклидаги ҳўжаликлар 2 триллион 657 миллиард 900 миллион сўмлик ялпи қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари етиштирилиб, 6,6 фоиз ўсишга эришилди.

— Қишлоқ ҳўжалигида жаҳонни молиявий-иқтисодий танглик қамраб олган 2008 йилги даражага нисбатан 209,1 фоиз кўп маҳсулот етиштирилди, — дейди вилоят иқтисодиёт бош бошқармаси бошлиғи Анвар Абдуқодиров. — Вазирлар Маҳкамаси мажлисида ўтган йилнинг асосий яқунлари ва жорий йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишлари хусусидаги маърузасида Президентимиз таъкидлаганидек, бу иқтисодий инқирознинг салбий таъсирини бартараф этиш, оқибатлари-

эълон қилинди. Вилоятда уларнинг ижроси қандай кечмоқда?

— Рақобатбардош истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ва уларнинг турини кўпайтириш дастурлари изчил амалга оширилгани туфайли ўтган йили вилоятимиз шаҳар ва туманларида 91 та озик-овқат, 71 та ноозиқ-овқат маҳсулотлари, 40 та қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, 30 та қурилиш материаллари, 222 та қишлоқ ҳўжалик корхоналари ишга туширилди. Уларнинг 34 таси амалдаги дастурларга қўшимча равишда барпо этилди.



«Улуғ-Жаҳон барака» корхоналарида бугун сендвич панеллар, гишт ва қоғоз ишлаб чиқарилаётди.

— **Анвар Абдуғафурович, мамлакатимизда техника ва технологияларни модернизациялаш ишлаб чиқаришни барқарор ривожлантиришнинг асосий йўналишига айланди. Бу борадаги дастурлар қандай бажарилаётди?**

— Бир йилда 13 та йирик, 32 та кичик корхонада 526 миллиард 400 миллион сўмлик модернизациялаш ишлари бажарилди. Фақат йирик корхоналарда 27 та истиқболли лойиҳа амалга оширилди. Шу жумладан, «Олмалик кон-металлургия комбинати» очик акциядорлик жамиятида 9 та, «Ўзметкомбинат»да 3 та лойиҳа бўйича катта ҳажмдаги ишлар олиб борилди. «Бекободцемент», «Оҳангаронцемент», Янги Ангрен иссиқлик электр станцияси, «Максам-Чирчиқ», Чирчиқ Трансформатор заводи, Янгийўл ёғ-мой комбинати сингари корхоналарда техника ва технологияларни янгилаш маҳсулотлар турини кўпайтириб сифатини оши-

риш, иш шaroитларини яхшилаш имконини берди. Жумладан, ОКМҚда «Қалмоққир» кони кенгайтирилиб, реконструкция қилинди, мис эритиш заводида кислота цехи қурилди. «Ўзметкомбинат»да эса эскирган асбоб-ускуналар алмаштирилиб, мис ва латун фолгалар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. «Максам-Чирчиқ»да карбамид ишлаб чиқариш қуввати тўлиқ модернизация қилинди.

Айни пайтда маҳаллий тасарруфдаги 32 та корхонада ҳам модернизация ва реконструкция ишлари жадал олиб борилди. Бунинг учун 16,3 миллион АҚШ доллари ва 26,3 миллиард сўм миқдоридa сармоа сарфланди. Натижада Бекобод шаҳрида тикувчилик, Ангрен шаҳрида-нон, Зангиота туманида қандолат маҳсулотлари, Оҳангарон туманида гипсокартон, Янгийўл туманида калава ип ишлаб чиқарувчи янги қувватлар барпо этилди. Шу тариқа 1024 киши муқим иш жойига эга бўлди.

— **Қишлоқ ҳўжалигини диверсификациялаш жараёнлари қандай кечмоқда?**

— Бугунги кунда 6064 та фермер ҳўжалиги 461 минг 800 гектар, 643 984 та деҳқон ҳўжалиги 66,8 минг гектар майдонда қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини етиштиряпти. Эндиликда уларни қайта ишлаш барқарор тус олди. Сўнгги беш йилда қайта ишлаш корхоналари 73 тага кўпайиб, 111 тага етди. Улар 151 минг 500 тонна маҳсулотни қайта ишлаш қувватига эга. Янги технологияларни жорий этиш, замонавий ускуналарни ишга тушириш натижасида ўтган йили 108 минг 700 тонна мева, 71 минг тонна узум, 92 минг 500 тонна сабзавот маҳсулотлари, 41 минг 100 тонна гўшт, 135 минг 600 тонна сўт қайта ишланди. Пойтахт аҳолиси қишин-ёзин қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари билан таъминлана бошлади. Бунинг учун ўтган йили туманларда 43 та иссиқхона, 58 та балиқчилик, 34 та асаларичилик, 32 та қорамолчилик, 32 та паррандачилик ҳўжаликлари ташкил этилди.

Сўнгги йилларда қишлоқ ҳўжалигини моддий-техник таъминлаш жадал тус олди. Сўнгги бир йилда фермер

ҳўжаликлари ва машина-трактор парклари 233 та йиғим-терим комбайнлари, ҳайдов, чопиқ ва транспорт тракторлари сотиб олишти. Фермер ҳўжаликлари бу йил 80 та комбайн ва юқори унумли ҳайдов тракторларини харид қилиш ҳаракатида.

— **2012 йилда вилоят иқтисодиётини ривожлантириш дастурларини амалга оширишга киришилганига икки ярим ой бўлапти. Дастлабки қадамлар ҳақида нималар дейиш мумкин?**

— Юртбошимиз Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида 2012 йилда, аввало, изчил ўсиш суръатларини сақлаш, макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш лозимлигини алоҳида таъкидлади. Шундан келиб чиқиб, вилоят ҳокимилиги санoат маҳсулотидa маҳаллий корхоналар улушини кўпайтириш дастурини белгилаб олди. Бунинг учун етарли ишлаб чиқариш қувватлари барпо этилаётди. Шу тариқа ҳар йили ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни ўртача 30 фоизга кўпайтириш имкони яратилаёпти.

Шунингдек, ишлаб чиқариш пасайтириб юборилган «Спентекс Тошкент Тўйтепа» қўшма корхонаси, «Максам-Чирчиқ» ва «Оҳангароншифер» очик акциядорлик жамиятлари сингари 15 та корхонада биринчи чорақдаёқ санoат маҳсулотлари ишлаб чиқариш суръатларини кўтариш имконини берувчи дастур амалга ошириляпти. Умуман йил давомида 20 та шундай корхонада барқарор ўсиш режалари бажарилади. Бунинг учун, биринчидан, мақсадли кредитлар миқдори кўпайтирилади. Иккинчидан, ҳозиргача 4 триллион 500 миллиард сўмлик маҳсулот етказиб бериш бўйича буюртмалар расмийлаштирилди. Айни пайтда 161 та лойиҳа асосида янги қувватларни ишга тушириш чоратadbирлари қўриляпти. Ҳозиргача 70 га яқин лойиҳа бўйича тармок жадваллари

тасдиқланди. Қолган лойиҳалар ижроси ҳам доимий назоратда.

Қишлоқ ҳўжалигида фойдаланилаётган тракторларнинг 47,6 фоизи эскирган. Бу йил 583 та янги техника харид қилиш кўзда тутилмоқда. Ҳозиргача МТПлар 90 дан ортиқ янги техника олди. Бу чора-таadbирлар 2012 йили 255 минг тонна пахта, 600 минг тонна галла ва бошқа қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини етиштириш учун шартшaroит яратлади.

Қишлоқ ҳўжалигини диверсификациялаш жараёнлари давом эттирилади. Шу мақсадлар учун 2 миллиард 500 миллион сўм маблағ ўзлаштирилади. Натижада лойиҳа қувватлари 3 минг тоннага тенг 7 та янги қайта ишлаш корхонаси ишга туширилади.

Умуман ялпи маҳсулотни ўтган йилга нисбатан 9,5 фоизга кўпайтириш мақсад қилинган. Бундан ташқари, маҳаллийлаштириш дастури асосида ўтган йилга нисбатан 2,6 баравар кўп маҳсулот ишлаб чиқариш режалаштирилган. Санoат маҳсулотлари таркибидa маҳаллий корхоналар улуши 30 фоизгача кўтарилади. Буни таъминлаш учун 161 та янги корхона ишга туширилади. Шу йўналишдаги дастурларни амалга оширишга 162 миллион доллар ва 118,5 миллиард сўм сармоа сарфланади.

Кўриниб турибдики, вилоятимиз иқтисодиётини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари серкйрра ва кўламли. Бу ҳар биримиздан, айниқса, шаҳар ва туман ҳокимликлари, барча ҳўжалик шакллари билан белгиланган дастурларни сўзсиз бажарилиши учун масъулиятни чуқур ҳис қилиб ишлашни, молиявий ва бошқа имкониятларни тўла ишга солишни талаб қилади. Вилоятимизнинг улкан салoҳияти, кадрларимизнинг бой тажрибаси бу вазифалар муваффақиятли урдаланишига ишонч бағишламоқда.

Жўра САЪДУЛЛАЕВ суҳбатлашди.



дан химоялаш мақсадидаги чора-таadbирлар самарасидир.

— **2010 йилнинг сўнгги кунларида давлатимиз раҳбарининг «2011 йилги Инвестиция дастури тўғрисида» ва «2011-2015 йилларда санoатни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари дастури тўғрисида»ги қарорлари**

Жумладан, Бўстонликда «Осборн Текстил» хусусий корхонаси бўлган калава ип ишлаб чиқара бошлади. Зангиота туманида 31,5 миллион доллар миқдоридaги сармоа эвазига шприц ишлаб чиқарувчи «Asia Trade» қўшма корхонаси қурилди. Юқори Чирчиқ туманидаги «Service-Tijorat», «Ixtiyor Qurilish Fayz», Куйи Чирчиқ туманидаги

Сиз нима дейсиз?

Меҳр касбни безайди

«Мен ҳали ҳам инсонлар орасидан Носирни излайман» деганди бир суҳбатдошим адиб Шуқур Холмирзаевнинг «Бодом қишда гуллади» асаридaги қаҳрамонни эслаб, Носирнинг бошқа фазилатлари билан бир қаторда ўз касбига бўлган садоқати кўпроқ унинг ёдида қолган бўлса, ажаб эмас. Чунки унинг бегубор қалби, боладек соф нигоҳлари кишида ўзига нисбатан илиқлик уйғотиши баробарида, касбига нисбатан масъулиятни ҳис этиши ибратлидир.

Мақола шу тарзда бошлаганимизнинг боиси бор, албатта. Бугун пойтахт кўчаларида аҳолига хизмат қилаётган автоуловлар ҳар жиҳатдан кўркамлашиб, замонавийлашиб бормоқда. Яратилган барча имкониятлар — уловларнинг кенг ва ёруғлиги, ўриндиқларнинг янгича кўриниши, текис ва раво ҳаракатланиши йўловчиларнинг манзилларига хотиржам етиб олишларини таъминламоқда. Бунинг учун соҳа ходимларидан миннатдор бўлишимиз керак. Шундай сифатли ва қулай имкониятлар тўла-тўқис бажарилаётган бир пайтда касбга нисбатан баъзи бир муносабатлар дилни хира қилади. Гап жамоат транспортларидаги чиптачи (кондукторлар фаолияти ҳақида бормоқда.

Чиптачиларнинг барчаси юқоридa тилга олган имкониятларга ўз илғами билан тўлиқ жавоб берапти, дейишимиз қийин. Ҳар ким ўз манзили сари ошқаданган жамоат транспортларида эгнига

нима илсин кийиб оладиган бу касб эгаларининг аввало ташқи кўриниши кишини таажубга солади. Бемалол, уй кийимидa юрган кондуктор аёллар гўё пойтахтнинг марказий кўчаларида эмас, ўз уйидаги меҳмонларга хизмат қилаётган таассурот уйғотади кишида. Улар ичида ёш болалар — мактаб ўқувчиларининг ҳам борлиги, катталар орасида туртиниб-суртиниб чипта сотиб юришлари эса янада ачинарли ҳол. Маълумотномасиз, махсус кийимсиз чиптачиларнинг кишиларга муомала даражаси чиндан ҳам ўйлаб кўришга арзийдиган муаммо.

Тўғри, уларни бир важдан тушуниш мумкин, яъни куннинг бошланғичидан то қоронғусигача турли ёш ва характердаги йўловчилар билан муомала қилиш бир қараганда мушкул иш. Лекин яхшилаб ўйлаб кўрилса, ҳар биримиз, ҳар соат, ҳар дақиқада турли одамлар билан улардан кам мулоқотда бўлмаймиз. Нафисламбрини айтганда, ҳамма ишининг ўзига яраша қийинчилиги бор. Шундай экан, кишилар билан муносабатда бу



касб эгаларининг ҳушмуомалли бўлиши, жамоат ҳурмати ни сақлаши нафақат ўзларининг, балки умумжамоанинг кайфиятига ижобий таъсир кўрсатади.

Фикримизни тақослаш орқали давом эттирсак. Мисол учун, «Тошкентметрополитен» хизматида назар солайлик. Мазкур жамоат транспорт кишин-ёзин салқин, баҳаво ва озода. Шунингдек, ходимлари тартибли иш интизомига эгалиги билан ҳам бошқаларга ўрнак бўлади. Биргина вагон ҳайдовчисига эътибор қаратса, гарчи улар доим йўловчилар кўз ўнгидa бўлмаса-да, мунтазам махсус кийим ва бўйинбоғда хизматга шай туришади. Бундан талаб бор жойда шунга яраша интизом бўлади, деган хулосани чиқариш мумкин. Ерости транспорт хизматидан ибрат олган ҳолда, автобус, трамвай сингари йўловчи ташиш учун

мўлжалланган жамоат уловлари тозаллиги, салонларининг ортасталиги йўловчилар учун яратиладиган қулайлик деб қаралиши керак. Жамоат автоуловларининг иложи борица ораста бўлиши Шарқ дарвозаси ҳисобланган Тошкенти Азияга ярашиқлидир. Мақолаимиз аввалидаги фикрга қайтсам, «Бодом қишда гуллади»даги Носир шунчаки образ ёки бадиий тўқима эмас, балки у шундоққина ҳаётдан олинган ва муаллиф томонидан асарга моҳирона киритилган сиз билан бизнинг образимиздир. Чунки Носир фақат оддий чиптачи, яъни кондуктор бўлиши билан бирга, оққўнғил, касбига фидойи ва оддий кун деб атайдиган лаҳзаларимиздан мўъжизалар яратадиган инсондир. Бундай бўлиш учун эса қандай касб эгаси бўлишнинг аҳамияти йўқ.

Наргиза АСАДОВА

2012 йил — Мустақкам оила йили

Яхшилик қилиш оилдан бошланади

Оила жамиятнинг — муҳим бир бўғини. Муҳтарам Юртбошимиз таъбири билан айтганда, оила аҳил ва тотув бўлса, жамиятда тинчлик ва ҳамжихатликка эришилади, давлатда осойишталик ва барқарорлик ҳукм суради. Оила фаровонлиги миллий фаровонлик асоси бўлиб ҳисобланади.

2012 йилнинг Мустақкам оила йили деб эълон қилиниши муносабати билан давлат дастури қабул қилиниб, ҳаётга татбиқ этилди. Мамлакатимизда жамият таянчи саналмиш оила институтини ривожлантириш ва такомиллаштиришга жиддий эътибор қаратилаётгани қувонарлидир.

Оила муқаддас ва улуг даргоҳ ҳисобланади. Инсон ана шу даргоҳда туғилади, ўсади, вояга етади. Ундаги мавжуд аъёналар таъсирида йигит-қизлар камол топади. Бинобарин, фарзандларимиз камоли оилдаги муҳитга, ота-оналарнинг болалар тарбияси борасидаги бурч ва масъулиятни чуқур англашларига бевосита боғлиқлиги ҳеч кимга сир эмас. Агар ота-она бир-би-

рига меҳрибон бўлса, ширин муомала қилса, болалар ҳам шунга кўникама ҳосил қилиб, шундай муомалага ўрганади. «Кўш уюсида кўрганни қилади» деганларидек, фарзандлар ҳам ота-она бағрида ўсиб-улғайаркан, уларнинг юриш-туришларидан, хатти-ҳаракатларидан ибрат олиб, катта ҳаётга қадам қўядилар.

Муқаддас динимизда шундай ҳадис бор: «Яхшилик қилишни, меҳр-шафқат ва меҳрибонлики оилангдан бошла». Бу пурҳикмат ҳадиснинг моҳияти кенг, маъносини теран. Зеро, оилга қилинган яхшилик бутун жамиятга, келажакка қилинган яхшиликдир. Бу яхшилик кўлар қувончи бўлиши фарзандларимизнинг ҳар томонлама соғлом ва баркамол, етук инсонлар бўлиб вояга етишларига, демакки, она Ватанимиз истиқболининг янада порлоқ бўлишига хизмат қилиши, шубҳасиз.

Одилхон ИСМОИЛОВ, Тошкент шаҳридаги «Шайх Зайноддин» жомеъ масжиди имом хатibi

Ҳамкорлик ижобий натижа бермоқда

Юртимизда инсон кадрлари азиз, муқаддас. Шу боис, аҳоли саломатлигини сақлаш, юксак даражадаги тиббий хизматни йўлга қўйиш борасида кенг қўламли ишлар амалга ошириляпти. Айниқса, туғма ёки бахтсиз ҳодисалар туфайли ногирон бўлиб қолган инсонлар саломатлигини муҳофаза қилишга катта эътибор қаратилмоқда.

Ходимларимиз даволаш-профилактика муассасалари томонидан тақдим этилган тиббий хужжатлар асосида фуқаронинг касаллик туфайли ҳаёт фаолияти чекланганлик даражасини, ногиронлик

гурухи ва муддатини аниқлаш билан бирга, ногиронлар тиббий-ижтимоий ёрдамнинг қайси турига муҳтожлигини ҳам аниқлашмоқда. Шунингдек, беморларни даволашни назорат қилиш, шу орқали республика ҳудудида ногиронликни камайтиришни ўзларининг асосий вазифалари деб билишмоқда. Тиббиёт биринчилари, пенсия жамғармалари, бандликка кўмаклашувчи ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари билан ҳамкорликда олиб борилаётган ишларимиз ўзининг ижобий самарасини бермоқда.

Жамоамиз шу йўналишдаги ишларни кўчатириб,

ўтган йил мобайнида ижобий натижаларга эришди. Чунончи, 3605 кишининг ногиронлик гурухи бекор қилинди, 1448 кишининг ногиронлик гурухи эса енгиллаштирилди. ТМЭК врачлари белгиланган меъёрларга асосан ногиронликни белгиладилар. Аммо айрим фуқаролар бунини тушунамади. Биз уларга ногиронлик билан касаллик ўртасидаги фарқни ҳам тушутиряпмиз. Ҳар кун 30-40 нафар ногироннинг хужжатлари билан танишиб, зарур тавсиялар берапмиз.

Маҳмуд ШЕРИМБЕТОВ, Қорақалғонiston Республикаси бош ТМЭК расни

СПОРТ МИЛЛАТНИ УЛУҒЛАЙДИ

(Бошлангич 1-бепда)

Бундан ташқари, юртимизда жисмоний тарбия ва спортни комплекс ривожлантириш мақсадида "Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Вазирлар Маҳкамаси қарорининг қабул қилиниши соҳа тараққиёти учун ҳуқуқий асос яратди. Унга биноян, мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш Давлат дастури концепцияси тасдиқланиб, асосий йўналишлари белгилаб олинди.

Дастур тадбирлари асосида Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан Тошкент шаҳрида бокс ва миллий спорт турлари, Шаҳрисабзда эса кураш бўйича Республика марказлари ташкил этилди, аҳолининг жисмоний тайёргарлик ва саломатлик даражасини белгилаб берадиган «Алломиси» ва «Барчиной» тестлари ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий қилинди.

Айни пайтда мамлакатимизда 536 та Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, 13 та Олимпия захиралари коллежи ҳамда 8 та Республика олий спорт маҳорати мактаби фаолият кўрсатмоқда. Малакали спортчиларни тайёрлаш билан бир қаторда оммавий спортни ривожлантириш борасида соҳага оид федерациялар ва бошлангич спорт жамоалари томонидан ҳам сезиларли ишлар амалга оширилляпти.







1991 йилда юртимизда 52 спорт тури бўйича фаолият кўрсатилар эди. 2011 йилга келиб уларнинг сони 75 га етди. Бугунги кунда 68 дан зиёд спорт тури юртимизнинг барча ҳудудларида амалдаши. 2011 йилда юртимизда 52 спорт тури бўйича фаолият кўрсатилар эди. 2011 йилга келиб уларнинг сони 75 га етди. Бугунги кунда 68 дан зиёд спорт тури юртимизнинг барча ҳудудларида амалдаши.

Бундан ташқари, юртимизда жисмоний тарбия ва спортни комплекс ривожлантириш мақсадида "Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Вазирлар Маҳкамаси қарорининг қабул қилиниши соҳа тараққиёти учун ҳуқуқий асос яратди. Унга биноян, мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш Давлат дастури концепцияси тасдиқланиб, асосий йўналишлари белгилаб олинди.

Дастур тадбирлари асосида Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан Тошкент шаҳрида бокс ва миллий спорт турлари, Шаҳрисабзда эса кураш бўйича Республика марказлари ташкил этилди, аҳолининг жисмоний тайёргарлик ва саломатлик даражасини белгилаб берадиган «Алломиси» ва «Барчиной» тестлари ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий қилинди.

Айни пайтда мамлакатимизда 536 та Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, 13 та Олимпия захиралари коллежи ҳамда 8 та Республика олий спорт маҳорати мактаби фаолият кўрсатмоқда. Малакали спортчиларни тайёрлаш билан бир қаторда оммавий спортни ривожлантириш борасида соҳага оид федерациялар ва бошлангич спорт жамоалари томонидан ҳам сезиларли ишлар амалга оширилляпти.

1991 йилда юртимизда 52 спорт тури бўйича фаолият кўрсатилар эди. 2011 йилга келиб уларнинг сони 75 га етди. Бугунги кунда 68 дан зиёд спорт тури юртимизнинг барча ҳудудларида амалдаши.



лат беради.

Универсиада ҳаракатининг ана шундай эзгу анъаналарини бошлаб берган ўзбек спортининг байроқдорлари — Абдулла Тангриев, Рустам Саидов, Аббос Атоев, Ришод Собиров, Оқул Омонмуродова, Светлана Радавил, Севара Қодирова, Саида Искандарова, Вадим Менков, Дилшод Мансуров, Элмурод Холиқов каби истеъдодли спортчиларимиз бугунги кунда Ўзбекистон шўхратини бутун дунёга таратишга ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар.

«Яна мисолларга мурожаат қилайлик: мусофалар спортчиларимиз халқаро мусобақаларда 2008 йилда 103 та медалга (51 та олтин) лойиқ топилган бўлса, 2011 йилда 182 та медал (60 та олтин) жамғариб, юртимиз байроғини сарбаланд этишди. Мохир спортчимиз Ришод Собиров Париж шаҳрида дзюдо бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатида олтин медалга — иккинчи бор жаҳон чемпионлигига эришганлиги, Абдулла Тангриевнинг бу спорт тури бўйича мутлақ вази тои-

воситалари ходимлари кунни муносабати билан оммавий спорт тарғиботи бўйича алоҳида фалоллик кўрсатган журналистларнинг тақдирлаш маросими ўтказилиб, улар энг кам иш ҳақининг 20, 15, 10 баравари миқдорда пул мукофоти билан муносиб тақдирланмоқда.


Мазкур қарорнинг 10-бандига асосан Ўзбекистон Миллий университети ҳамда Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университети, шунингдек, Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институтининг малака ошириш факультети қошида спорт журналистларини мақсадли, қисқа муддатда ихтисослаштириб тайёрлаш, қайта тайёрлаш ўқув курслари ташкил этилиб, жаҳон талаблари даражасида амалий машғулотлар ўтказилиши йўлга қўйилди. Бу борадаги ишларни янги босқичга олиб чиқиш мақсадида давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 19 январда қабул қилинган «2011-2013 йилларда республикада футболнинг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш ва уни ривожлантиришга доир

аҳамиятга эга эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтди. Бу беҳиз эмас, албатта. Чунки айни шу даврда ҳар бир боланинг характери шакллана бошлайди, улар онгда миллий ифтихор туйғуларини шакллантиришда спорт мусобақалари катта роль ўйнайди. Спортта меҳр қўйган бола бир умр унга ошно бўлиб қолади, саломатлиги мустаҳкамланади, зарарли иллатлардан фориғ ҳолда камол топади.

Ўтган йиллар мубайнида «Соғлом она — соғлом бола» гоясини ўзида мужассам этган дастур асосида кенг қўламли чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, ҳаётга изчил жорий этилмоқда. Албатта, бу борадаги хайрли ишларимиз замирида бир эзгу мақсад — соғлом авлодни тарбиялаш мақсади мужассам. Зеро, соғлом она — соғлом бола, соғлом бола — соғлом келажак демакдир.

Таҳлиллар ва эришилган натижалар шуни кўрсатмоқдаки, ёшларимиз орасида футбол, мини футбол, теннис, стол тенниси, шахмат, бадий гимнастика, сузиш, байдарка ва каноеда эшак эшиш, академик эшак эшиш, кураш, белбоғли кураш, юнон-рум кураши, бокс, енгил атлетика сингари спорт турларига қизиқиш тобора ортиб бормоқда. 2003 йилда болалар секциялари ва клубларда спортнинг 8 тури билан шуғулланган бўлса, эндиликда замонавий спорт мажмуаларининг жиҳозланиш даражаси спортнинг 30 дан зиёд тури билан мунтазам шуғулланиш имконини бермоқда.

Кези келганда айтиш жоизки, шу кунларда дунёдаги барча спортчию мураббий-мутахассислар 2012 йил Лондонда бўлиб ўтадиган навбатдаги эзги Олимпиада ўйинларига тайёрларлик ишларини қизғин даром эттиришмоқда. Ҳозирга қадар спортчиларимиз 31 йулланимга эга бўлишди. Шунингдек, 8 нафар спортчимиз XIV Паралимпиада ўйинларида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга китиришди. Ҳали олдинда яна бир неча йирик мусобақалар бор, имконият мавжуд. Мамлакатимиз терма жамоаларида, спорт федерацияларида ҳам ушбу катта спорт анжуманлари ҳозир катта спорт анжуманлари базасини янада мустаҳкамлаш ва уни ривожлантиришга доир



фасида жаҳон чемпиони сифатида эътироф этилгани ўзбек спорти нақадар ривожланиб, юксалиб бораётганидан далолатдир.

Юртбошимиз ташаббуси билан 1998 йил 28 августда таъсис этилган "Ўзбекистон ифтихори" фахрий унвони спортчиларимизни жаҳон чемпионларида кўриш имконини берди.

Жисмоний тарбия ва спортни оммавий ахборот воситалари орқали кенг тарғиб қилиш, унинг моҳиятини мамлакат аҳолисига кенг етказиш мақсадида 2003 йил 4 ноябрда Республика Вазирлар Маҳкамасининг «Оммавий спорт тарғиботи янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилиниши, унга биноян, Марказий Осиё давлатларида биринчи бўлиб Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси қосида «Спорт» канали ташкил этилгани соҳа ривожига муҳим омил бўлди. Бинобарин, мамлакатимизда спорт ривожларан экан, шубҳасиз, унинг тарғиботи ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда ҳамкор вазирлик ва ташкилотлар билан ҳамкорликда ҳар йили 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот

қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори спорт журналистикаси тарихида янги саҳифа очди.

Албатта, спорт журналистларининг ихтисослашуви биргина футбол билан чекланиб қолмайди. Олимпия спорт турларига кирувчи ўйинлар — бокс, эркин ва юнон рум кураши, дзюдо, бадий гимнастика, оғир атлетика, теннис, байдарка ва каноеда эшак эшиш, сузиш, енгил атлетика, таэквондо ва бошқа кўпжа спорт турлари ҳам мавжудки, бугунга келиб бу соҳада ҳам журналистлар ихтисослашуви ҳам катта эҳтиёж пайдо бўлди. Ёки бўлмаса, ҳозир яна Ўзбек жаҳон санъати, белбоғли кураш, бел олиш кураши, Турон кураши ёшларимиз ўртасида тобора оммалашиб бормоқда. Бу йўналишлардаги тарғибот масаласида биз, журналистлардан бир муҳим жиҳатга эътиборли бўлиш талаб этилади. У ҳам бўлса, миллий манфаатларимиз нуктаи назардан, биз ҳеч қандай кам эмасмиз, кам бўлмаймиз деган гурур билан соҳа ривожига ҳисса қўшишдан иборатдир.

Шу йил 10 февралда Оксаройда бўлиб ўтган Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Хомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилишида Юртбошимиз болаларини 3-5 ёшдан спортга жалб этиш катта

▼ Таҳририят почтасидан

Эзгу истаклар орзуси

Мамлакатимиз фуқаролари узоқ-яқин манзиллардан таҳририятларга мактуб йўллаб, турли мавзуларда ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришлари қўламини кейинги пайтларда сезиларли даражада ошмоқда. Газетхонлар билан бундай яқин муносабатлар ўрнатилётгани оммавий ахборот воситаларининг жамиятда фуқаролар фаоллигини ошириш борасидаги саъй-ҳаракатлари билан боғлиқ, албатта. Билдирилаётган фикрлар, мурожаатлар ва аризалар мазмун жиҳатидан турфа хил бўлишига қарамай, улар моҳиятан жамият ривожини, фуқаролар турмуш даражасига мансублиги билан эътиборлидир.

Албатта, таҳририятга йўлланган мактублар беъэтибор қолмайди. Уларда кўтарилган муаммолар, таклиф ва истаklar «Фуқаролар мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни доирасида белгиланган тартибда тегишли соҳа мутахассислари билан ҳамкорликда ўрганилиб, мурожаатлар муаллифларига қўмак берилади, газета саҳифаларида ёритилади.

Йўлланган мактублар орасида мавзусининг аҳамиятига қўра, кенг жамоатчилик билан баҳам кўрилиши ўринли бўлган дил сўзлари ҳам учрайди. Фарғона вилояти Олтиарик туманидаги «Ғайрат» қишлоқ фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи меҳнат фахрийси Қасим ота УМАРРАСУЛОВнинг қуйидаги мактуби ҳам шу жиҳатлари билан эътиборимизни тортди.

«Мен миробан, ирригация муҳандисиман. Кўп йиллар шу соҳанинг хизматини қилиб, зотиим едим, тузини ичдим, — деб ёзади отахон ўз мактубида Роғун ГЭСи қурилиши оқибатлари ҳақида ўз фикр ва мулоҳазаларини ифода этар экан. — Ушбу ГЭС лойиҳасининг амалга оширилиши қандай фалокатларга олиб келиши мумкинлиги ҳақида ҳозир бот-бот айтаётган бўлса-да, мутахассис сифатида ўқувчиларини унинг ноҳуш оқибатларидан бир қадар огоҳ этиш — менинг фуқаролик бурчимдир.

Кейинги пайтда мамлакатимиз ва дунё оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган Роғун ГЭСи қурилиши билан боғлиқ оқибатлар тўғрисидаги мақолалар, соҳа билимдонларининг фикр-мулоҳазалари нафақат Марказий Осиё минтақасида яшётган аҳолининг, балки дунё ҳамжамиятини ташвишга солмоқда. Негаки, ўнлаб беғунолар ҳаётига зомин бўлган Саяно-Шушенский ГЭСидаги ҳалокат ҳам ушбу лойиҳа муҳандислик нуктаи назаридан пуч ва истиқболсиз эканини амалда исботлади. Янада ажабланарлиси, мазкур улкан иншоот лойиҳаси ҳам Роғун ГЭСи лойиҳаси билан «эгизак» — бир идора мутахассислари томонидан тайёрланган. Бошқача айтганда, Саяно-Шушенский бу — Роғун, Роғун бу — Саяно-Шушенскийдир.

Шундай экан, Роғун ГЭСи қуриб ишга тушириладиган бўлса, Саяно-Шушенский воқеаси такрорланиши табиий ҳол.

Ачинарлиси шуки, Роғун ГЭСи лойиҳасининг кўр-кўрона тайёрланганидан, уни келажакдаги касофатларидан собиқ Ўрта Осиё ирригация илмий тадқиқот институти илмий ишлаб чиқариш бошқармаси мутахассислари, ўша пайтдаги ҳукумат раҳбарлари хабардор бўлсалар-да, келажакда минтақа аҳолиси бошига келадиган офат тўғрисида лом-мима дейишмаган.

60 йиллик иш фаолиятининг давомида Сўх — Шохимардон, Испайрам — Шохимардон, Шохимардонский, Норин ва Қорадарёда содир бўлган сув тошқини талафотлари барҳам бериш ишларида қатнашди. Сув тошқинлари оқибатида 10 минглаб гектар маданий ерларимизнинг бутунлай яроқсиз ҳолга келганини, юзлаб инсонларнинг бедарак йўқолганини, бемаврид ўлимга маҳкум бўлганини ўз кўзим билан кўрдим, гувоҳ бўлдим. Кези келганда норасида мурдаларни елкамга қўйиб лойқадан олиб чиққан кунларим ҳам кўп бўлди.

Яна бир мисол: Биз оилада бир қиз, икки ўғил эдик. Онамиз оламдан ўтган, рўзгор юмушлари ёлғиз синглим — Бинафшанинг зиммасида эди. Бешафқат тақдирни кўрингки, Шохимардон сув тошқини норасида Бинафшани биздан айирди. Қидирув давомида «Ўрикзор» даҳасидаги юлғунзордан сочларига раёнго тасқилган бир мурданни топдик. Бу ўша, ёлғиз синглимиз Бинафша эди...

Ҳаёт фақатгина бугундан иборат эмас, у эртагаям давом этади. Бизнинг ўрнимизни эртага авлодларимиз эгаллайди. Уларга озода ва обод Ватанини мерос қолдириш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз эканини юракдан ҳис этайлик, демокчиман.

Роғун ГЭСи қурилиши борасидаги фикр-мулоҳазалар ўз вақтида айтилаётган ҳақ сўзлардир. Мен уларни жону дилим билан қабул қиламан. Очиги, ҳозир соҳани яхши билган инсонларнинг мазкур ГЭС қурилишига доир ҳар бир сўзи огоҳликка даъватдир. Ва умид қиламанки, илгор фикрли зиёлилар, олимлар, ёши улғу кишилар яна бир бор мазкур масалгага чуқурроқ эътибор берсалар, нур устига аъло нур бўлар эди.

Мен яхши ният билан қўлимга қалам олдим. Минтақамизнинг барча аҳолиси каби эзгу истаklarимиз қарор топишига албатта ишонман. Чунки, ҳаммамизнинг мақсадимиз битта — ҳаётда олижаноб, гўзал ва эзгу орзулар уммонида яшашига ҳақлимиз».

Аслида Б.ОЛИЕВ,
«Спорт» газетаси
бош муҳаррири

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ҳудудий бўлимларида

ЖУРНАЛИСТИКА — ИҚТИДОР ДЕГАНИ

Бугун жамиятимизда оммавий ахборот воситаларининг нуфузини ошириш мақсадида кўплаб чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шунинг натижасида соҳада талай ижобий ўзгаришлар кўзга ташланаётир. Аммо қўлга киритилаётган ютуқлар билан бир қаторда муаммолар ҳам етарли. Хусусан, ёш кадрларни маҳаллий нашрларда ишлашга жалб этиш вилоятлардаги газета ва журналлар, радио ҳамда телевидениелар раҳбарлари олдида турган муҳим масалалардан ҳисобланади.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг Наманган вилоят бўлими бу масалани ижобий ҳал этиш учун маълум ишларни амалга оширяпти. Хусусан, «Дунё ва давр» газетаси тахририяти билан дастлаб ахборот ҳамкори, кейинчалик ижтимоий шерик сифатида фаолиятни йўлга қўйиб, унинг саҳифаларида бот-бот ўз нуқтаи назарини ифода этди. Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази ва босма нашрларнинг дастурий ҳужжатлари, шунингдек, журналистлар учун эълон қилинган барча танловлар талаблари газе-

тада мунтазам чоп этиб борилди. Уюшмамизнинг вилоят бўлими ташаббуси билан Наманган шаҳридаги «Ёшлар маркази»да ёш журналистлар тўғраги, «Наманган ҳақиқати» газетаси таҳриба базасида ёш журналистлар клуби ташкил қилинди. Уларда таҳрибали журналистлар Ғулможон Акбаров, Равшан Мамадиев, Эрмат Нурматов, Пўлат Ҳамдам, Файзулла Сирожиiddинов, Абдулла Ғозиевлар ёшларга соҳа сирасорларидан сабоқ беришмоқда. Натижада тўғрак ва клубга қатнаётган ёшлардан қарийб 40 нафарининг исм-шарифи матбуот юзини кўрди.

Бўлимимиз мутахассислари Ўзбекистон Миллий университетининг журналистика, Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетининг халқаро журналистика факультетларида бўлиб, ўқитувчилар ва талабалар билан учрашувлар ўтказди. Мазкур олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда маҳаллий газеталарнинг махсус сонлари тайёрланди. Бундан кўзланган мақсад журналистикага қизиққан ёшлар қалбини соҳага ошно этиш эди.

Уюшмамизнинг вилоят бўлими ҳудуддаги мавжуд ижодий жамоаларга кадрлар етиштиришга, шунингдек, замонавий босмаҳонанинг йўқлиги масаласини бот-бот кўтарди. Вилоят ҳокимлигига йил якунига бағишланган йиғилишлар олдида бу ҳақда маълумотномалар киритилди. Ҳокимлик, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбеки-

стон матбуот ва ахборот агентлиги, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига хатлар билан музојазатлар қилинди. «Матбуотчилар уйи» ҳовлисига туташ бўлган академик лицей Қурилиш ва дизайн коллежига айлантирилди. Ҳозир бу ерда босмаҳона ҳамда тахририятлар учун дизайнер, веб сайт яратувчи техник мутахассис йўналишлари бўйича 90 нафар ўқувчи тахсил олмақда.

Ўтган бир ярим йил ичида уюшмамиз Олий Мажлис Қонунчилик палатаси кўмитаси билан бирга уч марта минтақавий семинар ўтказди. Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Электрон ОАВ миллий ассоциациясининг ҳар бири ёш журналистларнинг марказий ижодий жамоаларда ўқишини ва минтақавий семинарларини ташкил этди. Уларда вилоятимизнинг 40 нафарга яқин ёш ходими қатнашиб, малакасини оширди. Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази эса бир қанча мавзулар бўйича ҳамкасбларимиз билан кўникмаларини чуқурлаштирмоқда. Бўлимимиз ҳам бундай фойдали тадбирларга журналистларни, шу соҳа мутахассисларини жалб этиш арафасида турибди.

Раҳимжон ИРИСОВ,
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Наманган вилоят бўлими раиси

Босма оммавий ахборот воситалари ходимлари ўртасида «МУСТАҲҚАМ ОИЛА — ЖАМИЯТ ТАЯНЧИ» республика танлови

(Бошланғич 1-бемда.)

— жисмонан соғлом, маънавий етуқ ва ҳар томонлама ривожланган баркамол авлодни тарбиялашда оиланинг ролини ошириш, мустаҳқам, соғлом оилани шакллантиришда жамоат ташкилотлари, жумладан, қасаба уюшмалари ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан амалга оширилаётган ишларни кенг ва сифатли ёритиш;

— оддий одамларнинг қалби ва онгига етиб борадиган, уларнинг руҳи ва кайфиятини кўтарадиган, аҳолини, айниқса, ёшларнинг онги ва шуурига оиланинг муқаддаслиги, оилани мустаҳқамлаш, оила қуриш ва бу борадаги бурч ва масъулиятни тизимли равишда сингдириш, уларни меҳнатда, ўқушда ва ҳаётда янги марралар сари илҳомлантирадиган таъсирчан усуллардан фойдаланиш шарт.

Танловга 2012 йил давомидан матбуотда эълон қилинган Мустаҳқам оила йилгига бағишланган мақолалар ва фотосуратлар қабул қилинади. Танловга тақдим этилган мақолалар ўнгалдан, фотосуратлар ўн бештадан кам бўлмаслиги керак. Фотосуратларнинг электрон нусхаси ҳам тақдим этилиши шарт.

Танловга ижодий ишлар 2012 йил 1 ноябргача қабул қилинади.

Танловга тақдим этилган ижодий ишларга қуйидаги ҳужжатлар илова қилиниши лозим:

- муаллиф ва унинг профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот;
- иш жойидан ёки Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг вилоят бўлиmidан тавсиянома;
- муаллифнинг паспорти нусхаси;
- муаллифнинг боғлиқлиги телефонлари.

Танлов ғолиблари ва совриндорлари мақофотлар

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллик байрами арафасида топирилади ва уларнинг рўйсати матбуотда эълон қилинади.

Ижодий ишлар «Мустаҳқам оила — жамият таянчи» республика танловига, деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилга юборилиши лозим: 100 000, Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎзА. Телефонлар: 233-71-49; 233-68-13; 233-21-42.



Давр муаммоси

Глобаллашув жараёни ва маънавий таҳдидлар

XXI аср бошига келиб бутун дунёда глобаллашув жараёни шу қадар кучайиб кетдики, ундан тўла ихоталанган бирорта ҳам давлат йўқ. Ҳатто халқаро ташкилотлардан узокроқ туришга интилаётган мамлакатлар ҳам бу жараёндан четда эмас. Бугунги ахборот асрида интернет тармоғи дунёни тобора кенгрок ўз тўрига ўрамоқда. Сайёраимизда мазкур тизимдан фойдаланувчилар сони 2 миллиард нафардан кўпроқни ташкил этади. Афсуски, ундаги ахборотларнинг салмоқли қисми баъзи манфур кучлар томонидан муайян стратегик мақсадларни кўзлаб тарқатилаётгани боис интернет ахборот урушларининг асосий кўролига айланиб бормоқда. Масалан, йирик ижтимоий тармоқ — Facebook ўз тизимига ҳар кўни бир миллиарддан ортик ташриф бўлаётгани ва уларнинг 600 мингга ўзгаларнинг хабарлари, фотосуратлари ва бошқа шахсий маълумотларини қўлга киритиш илннжида бўлган ғораз ниятли кимсалар томонидан содир этилаётганини маълум қилди. Кейинги пайтларда айрим давлатлардаги турли намойишлар, кўпуровчилик ҳаракатларининг амалга оширишда ҳам айнан мазкур ижтимоий тармоқдан фойдаланилаётгани сизу биздан огоҳликни талаб этади.

Бугун ядро курули ишлаб чиқариш бўйича 20 га яқин давлатда ҳаракатлар бўляпти. 120 га яқин давлат эса ахборот хуружларини уюштириш устида иш олиб бормоқда. Бунинг учун ҳатто миллионлаб доллар маблағ сарфлашдан ҳам тап тортишмаяпти. Энг ёмони, ёшларнинг 90 фоизи асосий ахборот манбаи сифатида интернетга муурожаат қилишади. Айни пайтда тизимда ўз жонига қасд қилишининг осон йўлларини

тарғиб қилувчи 9 минг, эротик мазмундаги 4 мингдан зиёд сайтлар мавжуд. 49 фоиз компьютер ўйинлари зўравонлик ва ёвузликни тарғиб қилаётир. 42 фоиз болалар ва ўсмирлар онлайн орқали тарқатиладиган порнография таъсирига бутунлай қарам бўлиб қолган. Халқаро экспертлар дунё миқёсида 38 фоиз бола зўравонлик руҳидаги сайтларни, 26 фоиз бола миллатчилик характеридаги веб-саҳифаларни мунтазам кузатиб боришини аниқлашган.

Хўш, бу каби ижтимоий хавфи юқори бўлган глобал муаммоларга қарши курашиш учун нима қилиш даркор? Миллий қонунчилигимизда ёшларни носоғлом ахборотлардан ҳимоялаш механизмлари мавжуд. Мисол учун, «Ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги Қонунда ёшлар орасида одоб-ахлоқни бузишга, шу жумладан, зўравонлик, ҳаёсизлик ва шафқатсизликни тарғиб қилишга қаратилган ҳар қандай хатти-ҳаракатлар, «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунда эса беҳаёлик, шафқатсизлик ва зўравонлик ҳақида хикоя қилувчи, инсон қадр-қимматини таҳқирловчи, болаларга зарарли таъсир кўрсатувчи ва ҳуқуқбузарликлар содир этишларига сабаб бўлувчи адабиётларни тарқатиш, фильмларни намойиш этишининг тақиқланиши белгилаб қўйилган.

Аммо ҳали истиқболда қилиниши лозим бўлган ишлар талайгина. Бу каби ижтимоий хавфи катта бўлган муаммолардан қутулиш учун Ўзбекистонда ижтимоий тармоқларни ривожлантириш бўйича йирик миллий лойиҳани яратиш зарур. Боиси, «Google» компанияси таҳлилларига кўра, Ўзбекистондан кўнига Оноклассники.ру сайтига 200000, Facebook сайтига — 90000 га яқин, Мой Мир сайтига 40000 нафардан ортик киши қираётир. Юртимиздаги doiga.uz, vsetut.uz, odnoklassniki.uz, sinfdosh.uz, mlqoqot.uz, olam.uz каби сайтларда рўйхатдан ўтганлар жамланса ҳам юқоридаги миқдорга етмайди.


Шунингдек, давлат идоралари, фуқаролик жамияти инс-

титутлари, жамоат ташкилотларининг аҳоли, айниқса, ёшлар билан мунтазам мулоқотда бўлишларига эришиш, интернет тармоғини миллий қадрият ва аъналаримизни ўзида акс эттирувчи веб-саҳифалар билан бойитиш, таълим муассасаларини интернет тармоғига улашда одоб-ахлоқ қоидаларига мувофиқ бўлган веб-саҳифалардан фойдаланишга чекловларни жорий этиш, ёшларда ахборот ресурсларидан фойдаланиш маданиятини шакллантириш керак. Аҳолининг ҳолис ва ҳаққоний ахборотга эга бўлишини таъминлаш, ҳар бир фуқаро тафаккурида мафкуравий иммунитетнинг шаклланишига шароит яратиш, гоёвий муҳолифларимизнинг ҳаракатларига қарши маънавий-маърифий тарғиботни кучайтириш, вояга етмаган ёшларга оид миллий қонунчилигимизга маънавий таҳдидлар, ахборот хуружларининг олдини олишга қаратилган зарур ўзгариш ҳамда қўшимчалар киритиш зарур. Бу борада хориж таҳрибаси билан танишиш ҳам фойдадан холи бўлмайди.

Масалан, Буюк Британияда «Ўзини тутиш кодекси» ва «Хавфсиз тармоқ» мустақил тарғибот зарари, ноқонуний ахборотлар оқимини назорат қилади. Айрим Европа давлатларида қонун асосида сайтларни блокировка қилиш зарур. Россияда эса турли борада хуружларига қарши курашиш мақсадида «Хавфсиз интернет маркази» ташкил этилган. Умуман, Европа Иттифоқи томонидан бу борада 6 та қонун ҳужжати қабул қилинган ва «Хавфсиз интер-

нет» дастури ишлаб чиқилган. Ривожланган мамлакатларда ота-она назоратини амалга ошириш учун кўплаб технологиялар, филтрловчи дастурий таъминот яратилган. Филтрловчи дастурий таъминотнинг уч кўриниши бор: «қора рўйхат» (рўйхатга киритилган манбалар (сайтларга) га чиқиш блокировка қилинади, «оқ рўйхат» (фақат рўйхатга киритилган манбаларга кириш мумкин), «нейтрал маркировка» (ёмон сайтларнинг рейтингини яратиш, унга кўра фойдаланувчи қайси сайтларга кириш-кирмакликни ўзи ҳал қилади).

Юртимизда интернетдан фойдаланувчилар сонининг 8 миллиондан ошганини ҳисобга олсак, мазкур халқаро ахборот тармоғини миллий маълумотлар билан тўлдирish ҳам энг долзарб заруриятдир. Таъкидлаш жоизки, бу борада бир қатор ютуқларга эришилмоқда. Жумладан, 2002 йилда «Uz» доменида атиги 587 та сайт фао-



лият юритган бўлса, энди уларнинг сони 12 мингдан ошиб кетди. Шундан 160 дан ортиги ОАВ сифатида рўйхатга олинган. Ахборот кутубхона марказларининг фонди ҳам 21401 нусхадаги адабиётга кўпайиб, 4 миллион 952 минг 132 нусхани ташкил этмоқда.

Бугун юрдошларимиз онгига, бир қарашда арзимас бўлиб туюладиган кичкина хабар ҳам глобаллашув шиддатидан куч олиб, кўзга кўринмайдиган, лекин зарарини ҳеч нарса билан қоплаб бўлмайдиган даражада улкан зиён етказиши мумкин. Бундай таҳдидларга қарши ҳар томонлама чуқур ўйланган, илмий асосда пухта ташкил

этилган, узлуқсиз олиб бориладиган маънавий тарбия билан жавоб бериш лозим. Токи ёшларимиз миллийлигини сақлаб қолган ҳолда, дунёни чуқур англайдиган, давр шиддати билан бақамти қадам ташлайдиган инсонлар бўлиб етишсин. Ана шунда ахлоқ-одоб тушунчаларини рад етдиган, биз учун мутлақо беғона гоёлар юрдошларимизга ўз таъсирини ўтказа олмайди.

Шухрат ДЕҲҚОНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси аъзоси

Мен сизларни газетангиз ўқувчисига айланганим билан табриклайман.
Абдулла ПУЛАТОВ,
журналист.

Дараклар

ТУЯНИ ШАМОЛ УЧИРСА, ЭЧКИНИ ОСМОНДА КЎР

Ўтган йилнинг март ойида Японияда содир бўлган цунами суриб кетган япон кемаси (траулер) яқинда Тинч океанининг нариги қирғоғидан топилди. Уни Канада ҳарбий ҳаво патрули Колумбиянинг Британияга қарашли ҳудуди қирғоғида турганини аниқлади.



Яқин кунларда кема шатакка олиниб, портга келтирилади ва Японияга жўнатилади. Кучли довул (цунами) кемани уммоннинг бу четидан нариги томонига улоқтирганига қарамай, унинг ҳолати жуда яхши сақланган. Ваҳоланки, кема қарийб бир йил давомида Тинч океанида бир неча минг километр масофани ўз холича сузиб ўтган. Кема ҳўжайини траулерни йўқолган деб ўйлаб, ундан умидини узганди, деб хабар тарқатди «Россия-24» телеканали.

«Ҳозир кема Канада транспорт вазириликнинг назоратида турибди, — дейди Япония транспорт вазирилик вакили Сау Сау Лиу. — Канада қирғоқлари муҳофазаси хизмати ходимларининг таъкидлашларича, кема топилганида унинг бортида бирор тирик жон бўлмаган».

КЎПНИКИ КЎПГА ҚАЙТДИ


АҚШнинг Хайаттстаун шаҳри кўчаларидан бирида ҳаракатланётган зирхли инкассатор машинасининг эшикларини дафъатан очиб кетгани сабабли ундаги қоғоз ва танга пуллар кўча бўйлаб сочилиб кетди. Буни кўрган хайдовчилар машиналарини тўхташиб, сочилган пулларни теришга киришиб кетдилар. Натижада йўлда тикчилар ҳаракат содир бўлди, деб хабар тарқатди ИТАР-ТАСС агентлиги.

Табиийки, бундай воқеалар содир бўлганда дарҳол полиция ходимлари етиб келишади. Аммо бу гал улар анча кечикишди. Шу тўғрисида ҳақиқатан ҳам маҳаллий оммавий ахборот воситалари орқали пул йиғишда қатнашганлардан уларни қайтаришларини сўраб қилган илтимослари сарамасиз кетмоқда.

Банк қанча маблағни «кўчага сочганини» маълум қилмапти, дея ўз хабарини яқунлади ИТАР-ТАСС.

ТЕНГИ ЙЎҚ ТАҢГАЛАР

Археологлар Англиянинг Бат шаҳридаги тарихий жойлардан бирида 30 минг донга қадимги Рим қумуш тангасини топишди, деб ёзади «The Daily Telegraph».



Тангалар эрамининг 270 йилларига тўғри келади, дейишмоқда мутахассислар. Уларнинг қиймати эса ҳозирча 150 минг фунт стерлинг атрофида баҳоланапти. Аини пайтда тангалар таҳлил қилиш учун Лондондаги Британия музейига жўнатилади.

Мазкур топилма Буюк Британия ҳудудида топилган хазиналарнинг бешинчиси, миқдори ва тарихий аҳамиятига кўра, биринчиси ҳисобланади. Энг катта хазина 1978 йилда Уилтшир графлигида қўлга киритилган эди. Ушанда 54 минг дондан кўпроқ танга топилган. XXI аснинг энг йирик ушбу топилми 2010 йилда Сомерсет графлигида маҳаллий госпиталь раҳбари Дэйв Крисп ёрдами билан топилган.

Эслайтиб ўтамиз, Бат шаҳри Англиянинг Сомерсет графлиги ҳудудида жойлашган. Римликлар бу ерга эрамининг 43 йилида ҳужум қилган.

БУ ГАЛ ҲАМ ХАВФ ОРТДА ҚОЛДИ

«Интерфакс» ахборот агентлигининг Россия космик парвозларини бошқариш маркази маълумотларига асосланиб тарқатган хабариде айтилишича, бир неча кун аввал халқаро космик станция учатган йўлда бўёшхон самовий жисм пайдо бўлиб, кема парвозига хавф солган. Натижада экипаж аъзоларига хавфсизлик чоралари кўрилган махсус жойга ўтиш ҳақида буйруқ берилган.

Хайриятки, самовий жисм кемага зарар етказмай, унга яқин жойдан ўтиб кетган. Астронавтлар эса тезда одатий фаолиятларини давом эттиришга киришганлар. Бу халқаро космик станция парвози тарихида юз берган учинчи кўнгилсиз ҳодиса ҳисобланади.

Айни кунларда ХКС таркибиде россиялик Антон Шкалперов, Анатолий Ванишин, Олег Кононенко, америкалик Дениэл Бербанк, Дональд Петтит ва голландиялик Андрэ Кауперслар парвозни амалга оширишмоқда.

АСПИРИН РАКНИ ДАВОЛАЙДИ...МИ?

Буюк Британиянинг Оксфорд университети мутахассислари Питер Ротуэл раҳбарлигида инфаркт ва инсульт истемол қилиб юрган одамларда элликсдан зиёд тадқиқотлар ўтказишди.

Маълум бўлишича, беш йил давомида кичик дозада аспириин ичиб юрганларнинг саратон хасталигига чалиниш оқибатида вафот этиши 37, бу препаратни уч йил қабул қилганларда онкологик касалликларга чалиниш 25 фоизга камайган.

Бу ҳақда «The Lancet» журналида мақола чоп этилди. Унда таъкидланишича, аспириин саратоннинг тана бўйлаб ёйилишига йўл қўймас экан. Хусусан, ҳар кун аспириин кичик дозада истемол қилганлар текириб кўрилганда метастоз (касаликнинг тана бўйлаб ўрчиши) ривожланиши эҳтимоли 36 фоизга камайгани маълум бўлди. Бунда йўғон ва тўғри инча саратонига чалинмаслик кўрсаткичи 74 фоизни ташкил этди.

Интернет материаллари асосида Матёкуб НАРЗИЕВ тайёрлади.

Шарҳ

Хориж матбуоти саҳифаларида

«The Guardian» газетаси, Буюк Британия СПИРТЛИ МАҲСУЛОТЛАР НАРХИ ОШИРИЛАДИ

Англия бош вазири Дэвид Камерон мамлакатда спиртли ичимликларни истемол қилиш ва уларни сотиш қайтадан тартибга солиниши лозимлигини билдирди. Бу борадаги янги қонун 2014 йилнинг ёзида эълон қилиниши кўтилмоқда.

«The Guardian» газетасининг ёзишича, агар ушбу режа амалга ошадиган бўлса, Англияда бир шиша спиртли ичимликнинг энг арзон нархи 40 пенсдан кам бўлмайди. Бундан ташқари, супермаркетлар томонидан бир номдаги спиртли ичимликларни кўп миқдорда сотиб олгани учун харидорга бериладиган маълум чегирмалар ҳам бекор қилинади.

Бош вазирининг сўзларига кўра, мунтазам кўп миқдорда спиртли ичимлик истемол қиладиган кишиларни қатор ҳуқуқлардан маҳрум этиш лозим. Бу фикр турли кафе, бар ва клубларга ҳам тааллуқли.

Таъкидлаш ўринлики, Англия соғлиқни сақлаш вазирилик тамаки маҳсулотларини чекишни тақиқлашни қўллаб-қувватлаётган бир пайтда бош вазирининг мазкур ташаббуси кенг жамоатчилик томонидан ижобий баҳоланмоқда. Аммо бунга қарши чиқётганлар ҳам йўқ эмас. Масалан, мамлакат ички ишлар вазири Тереза Мэй бу ислохотларни амалга ошириш унчалик ҳам тўғри эмаслигини маълум қилган. Унинг наздида спиртли ичимликлар сотилишига доир чегирмаларнинг бекор қилинишининг ўзи кифоя.

Тадбиркорлар эса мазкур чекловлар спиртли ичимликлар ишлаб чиқарувчи корхоналар, улар савдоси билан шугулланувчи супермаркетлар ўртасидаги рақобатга путур етказиши мумкинлигидан хавотирда. Шунингдек, янги қонун жорий қилинса, арзон нархда пиво ишлаб чиқарувчи компанияларнинг ҳам инқирозга юз тутиши эҳтимолдан йироқ эмас.

«The Hindu» газетаси, Ҳиндистон

АРКТИКА БОЙЛИКЛАРИ ЖАЗАВАСИ

«Арктика музликлари остида беҳисоб бойликлар мавжуд. Жумладан, катта миқдордаги нефть, газ ва бошқа ноёб фойдали қазилмалар қор қатламлари тагида ётибди. Уларни қазиб олиш йўллари ҳали ўйлаб топилмаган бўлса-да, аллақачон бир қатор давлатлар ўртасида «муз қитъа»дан жой эгаллаш учун кураш бошланиб кетди». Ҳиндистонда чоп этиладиган «The Hindu» газетасида чоп этилган мақола шундай бошланади.

2010 йилда Хитой халқ сийёсий конференциясида сўз олган истемолчи контрол-адмирал Инь Чжо бу масалада шундай фикр билдирган эди: «Арктика бутун дунё аҳлига тегишли. Унга ҳеч бир давлатнинг мустақил равишда эгалик қилиши мумкин эмас». Лекин ҳозирда қитъа теғрасида бешта давлат аини шу масалада бир-бири билан зимдан кураш олиб бормоқда. Булар — АҚШ, Канада, Дания, Норвегия ва Россия.

«The Hindu»да қайд этилишича, шимолий кутб 21 миллион квадрат километр майдондан иборат. Таққослаш учун бир километри эса муз қатламларидан иборат. Таққослаш учун бир миқдорда Ҳиндистоннинг умумий ер майдони 3,3 миллион квадрат километрини ташкил этади. Мутахассисларнинг баҳолашича, Арктикада бутун дунё нефть ва газнинг 40 фоиздан ортиқроғи мавжуд. Шунингдек, мазкур ҳудудда рух, қумуш ва кўмирнинг катта ҳажмдаги захираси борлиги ҳам эътироф этилган. Қолаверса, шу кунларда Арктика машҳур туристик масканлардан бирига айланиб бормоқда.

Бугунги кунда ер юзиде об-ҳавонинг исоби кетиши ва музликларнинг эриши Арктикадаги ресурслардан тижорат йўлида фойдаланиш имкониятини оширмоқда. Шунинг учун ҳозирнинг етакчи нефть компаниялари Арктикадаги углеводород ресурслардан фойдаланиш учун отни қамчиламоқда. Жорий йилнинг ёз ойларида эса бу ерга кемалар қатнови йўлга қўйилиши деярли ойдинлашиб қолди.

Хуллас, Арктика бугун кўп қатлам давлатларни ўзига ром этмоқда. У ерда ўз улушига эга бўлиш учун Хитой ортидан Ҳиндистон ҳам эргашмоқда.

«Gazeta Pl» газетаси, Польша

ТАЙЁРГАРЛИК ЖИДДИЙ


Маълумки, июнь ойда Польша ва Украина мамлакатларида футбол бўйича Европа чемпионати бошланади. Айни кунларда ҳар икки давлатда ҳам мазкур спорт тадбирига жиддий ҳозирлик кўрилкоқда.

«Gazeta Pl» газетасида эълон қилинган мақолалардан бири айнан Европа чемпионатидаги бағишланди. Аниқроғи, унда Польша спорт ва туризм вазири ўринбосари Катажина Собераяска билан журналистлар ўртасида ташкил этилган видеоконференциянинг шарҳи эълон қилинди. Унда таъкидланишича, шу кунларда Польшада «қўнға қитъа»нинг энг нуфузли турнирини кўтариники қайфиятда ўтказишга барча тайёргарликлар қўриб қўйилган.

Журналистлар томонидан берилган «Мамлакат божноҳаси меймоннинг неча соат вақтини олади?» деган саволга вазири ўринбосари аини пайтда мазкур жараён йўловчининг бир соат вақтини олаётганини, мусобақа вақтида эса бу кўрсаткич камайтирилишини айтиб ўтган. Шунингдек, у футбол мухлисларининг Украина ва Польша мамлакатларига ўтиб-қайтишга доир енгилликлар яратилиши хусусида музокаралар олиб борилаётганини ҳам таъкидлаган.

Айрим журналистлар эса мухлисларнинг ўйин вақтида пиво ичимлигини ичиш ва белгиланмаган жойда тамаки маҳсулотларини чекиш тартиби қандай бўлишига ҳам қизиқиб кўришди. Бунга Катажина Собераяска қўйишга ҳавоф берди: «Варшава қўчаларида пиво ичиш тақиқланган. Фақат мухлислар ўтирадиган маҳсулус ерда бундай ичимликлар истемол қилиш мумкин. Сигаретни белгиланмаган жойда чеккан киши жаримага тортилади».

Интернет материаллари асосида Азим Рўзиев тайёрлади.



Чуқур яра оқибатлари

Етакчи мамлакатларнинг саъй-ҳаракатларига қарамай, 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий инқирози оқибатларини бартараф этишининг имкони бўлмапти. Сўнгги тўрт йил мобайнида «катта саккизлик», «катта йигирматалик» каби уюшмаларнинг инқироздан чиқиш дастурларини ишлаб чиқишга қаратилган урнинишлари ҳам зое кетди. Аксинча, дунёнинг бундан-да чуқурроқ танглик домига тортилиши мумкинлиги хусусидаги фаразлар ҳам қучайиб бормоқда.

Жорий глобал молиявий инқирознинг аввалгиларидан фарқ қилиши борасида таҳлилчилар яқдил фикрда. 1995 йилда Мексикада, орадан икки-уч йил ўтиб, Жанубий Осиёда қузатилган иқтисодий бўҳронлардан ривожланган давлатлар унчалик зиён кўришмаганди. Бу сафар эса, бунинг акси ўлароқ, инқироз бадавлат давлатларда бошланди ва Ер юзининг қолган ҳудудларидаги мамлакатларни ҳам ўз зотига олди. Ақциялар бозорининг таназулулга юз тутиши, уй-жой бозорининг касодга учраши, савдо-сотикнинг сусайиши ва иқтисодий тараққиётнинг пассивлашгани бутун дунё озми-кўпми азият чеқди. Бироқ ривожланаётган, аиникса, камбағал давлатлар мисолида олинган жараҳат анчайин жиддий ва чуқурдир. Бевосита берилётган молиявий ёрдам ва келаётган даромаднинг камайиши дард устига чипқон бўлди. Жаҳон банки мутахассисларининг таъкидлашларича, иқтисодий бўҳрондан ривожланаётган давлатлар турлича зиён чекишган. Бразилия, Ҳиндистон, Хитой ва Ўзбекистон каби давлатлар инқироздан кам талафот кўришган.

Маълумки, ҳаммаси ўз вақтида АҚШнинг тўртинчи йирик сармоя банки — Lehman Brothers'нинг 2008 йил 15 сентябрийнинг эрта тонгида касодга учрагани эълон қилинишидан бошланади. Худди шу вақтнинг ўзида мамлакат Марказий банки бошқа бир молия муассасаси — Merrill Lynch' банкни таназулдан кутқариб қолиш мақсадида уни ўз қарамоғига олишини маълум қилди. Шу икки ҳодиса ортидан жаҳон бўйлаб кўп қатлам мамлакатлар ҳукуматлари бирин-кетин касодга учраётган банклар, молиявий тизимлар ва охир-оқибат иқтисодларини парокандаликдан асраб қолиш учун миллиардлаб доллар маблағ ажратди бошлашди.

АҚШ Сенати умумий миқдорда 787 миллиард долларлик кутқарув режасини тасдиқлади. Хитой ҳукумати худди шу мақсадлар учун қарийб 600 миллиард доллар маблағ сарфлашини эълон қилди. Исландия, Сербия, Греция ва Латвия каби у қадар бой бўлмаган мамлакатлар эса халқаро ёрдам сўраб, мурожаат қилишди. Хуллас, инқирозни бартараф этиш йўлида сарфланган маблағлар триллионлаб долларга тенг. Шу нуқтаи назардан, айрим иқтисодчилар дунё Иккинчи Буюк депрессиядан омон қолди, деган фикрларни ҳам илгари сурди. Бироқ йирик молиявий ташкилотлар чикараётган ҳисоботларга кўра, етарлича сабоқ чиқариб, лозим чоралар вақтида кўрилмаса, бунга ўхшаш бўҳронлар яна рўй бериши мумкин. АҚШ Президенти Барак Обама мунки чора сифатида Марказий банк томонидан федерал захирага эга йирик молиявий компанияларни кучлироқ назорат этиш, инқироз таҳиди пайдо бўлган вақтда уларни бутунлай ўз қарамоғига олишнинг тақлиф этди. Шунингдек, ипотека, машина олиш учун бериладиган қарзлар ва кредит картчалари орқали олинган маблағларни назорат қилиб борувчи махсус ҳимоя агентлигини тузиш ҳам назарда тутилди. Бироқ бу тақлифларга ҳамма ҳам бирдек рози бўлаётгани йўқ. Негаки, Президент Обаманинг кутқарув режалари ҳали яқуний мевасини бермади.

Таъкидлаш керакки, бугунги кунда Қўшма Штатларнинг тақриби 11 триллион доллардан ошиб кетдики, бу мамлакатдаги ҳар бир оила 94 минг доллардан қарздор деганидир. Бу ҳам етмаганидек, АҚШ ўтган йили ўз иқтисодий кутқариш мақсадида катта миқдорда заём чиқарди. Афсуски, қимматбаҳо қоғозлар қанчалик кўп чиқарилгани сари унга бўлган ишонч шунча сўниб борапти.

Ҳисоб-китобларга кўра, дунёнинг қудратли давлатлари глобал молиявий инқироздан чиқиб кетиш учун киши бошига 10 минг АҚШ долларидан маблағ сарфлашган. Бироқ кутилган натижага эришилмаяпти.

Халқаро маслаҳатчилар ва ташкилотлар эса мамлакатлар ҳукуматларига иқтисодга давлат аралашувини камайтиришлари кераклиги ҳақида маслаҳатлар беришдан нарига ўтмаяпти. Аммо давлат аралашуви кам деб ҳисобланган ривожланган Фарб давлатларининг ўзи эндиликда иқтисодга давлат аралашувини қучайтириш госясини илгари сура бошлади. Хаттоки, энг либерал иқтисодга эга дейиладиган АҚШда ҳам йирик банклар ва молиявий ташкилотлар давлат қарамоғига олинмоқда, ишлаб чиқаришнинг асосий тармоқлари, жумладан, автомобиль ишлаб чиқариш компанияларига давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлов бериш масалалари кўрилади.

АҚШ Марказий банки собик раҳбари Алан Гриспеннинг айтишича, жаҳон яна бир молиявий бўҳрондан жабр чекиши мумкин: «Бу каби инқироз яна такрорланади, лекин у бошқача бўлади. Мутахассислар узоқ йиллик тараққиёт ортидан жорий тангликнинг юз беришини анча аввал башорат қилишган». Унинг фикрича, барча молиявий бўҳронлар бир-биридан фарқ қилса-да, асоси битта. Масалан, жорий иқтисодий бўҳронга АҚШ кўнмас мулк бозориде шаклланиган ҳолат, яъни олган қарзини тўлашга қодир бўлмайдиган инсонларга уй олишлари учун кредитлар берилиши сабаб бўлган. Бироқ ҳар қандай омил катализаторлик вазифасини бажариши мумкин. Агар зарарли қарзлар муаммоси бўлмаганда ҳам, эрта-ми-кечми, албатта, бошқа бир сабаб юзага чиқарди.

Табир жоиз бўлса, жаҳон иқтисодининг реанимация бўлишидаги «беморлар»нинг сони ҳозир бироз камайган. Иқтисодий таназулдан омон қолиб, «хасталик тўшаги»дан тура бошлаган Япония, Германия ва Франция тикланмоқда. Бу давлатларда ҳукуматлар томонидан молиявий секторга киритилган жуда катта миқдордаги маблағлар беса-мар кетмаган кўринади. Бироқ шунда ҳам ишсизлик ва молиявий етишмовчилик ҳали-ҳануз сақланиб турибди. Америка Қўшма Штатлари ва Европа Иттифоқида кирувчи бошқа давлатларнинг эса ҳолига ҳавас қилиб бўлмайди. Ўз навбатида, Африка, Осиё ва Лотин Америкасидаги кўп қатлам ривожланаётган мамлакатлар ўз иқтисодий-иқтисодий олишлари учун анча вақт керак бўлади, шекилли.

Абдували АБДУЛБОҚИЕВ

«TOSHKENT KIM OSHDI SAVDOLARI»

Масъулияти чекланган жамияти 2012 йил 27 апрель куни очик аукцион савдоларини ўтказди

Савдоларга Мирзо Улугбек тумани, Темури Малек кўчаси, 1-уйда жойлашган Суд департаментининг Ташкент вилоят ҳудудий Бошқармаси балансидаги 1998 й.и.ч. д.р 01552ЖА, бошлангич нархи 5 053 209 сўм бўлган «Дамас»; Ташкент вилояти, Зангиота тумани, Юнусобод қишлоқ кенгаши, Дархон қишлоғида жойлашган «Давлат Белгиси» Давлат ишлаб чиқариш бirlашмасининг Ташкент қоғоз фабрикаси балансидаги 1995 й.и.ч. д.р 01/668 НВА, бошлангич нархи 2 322 996 сўм ва 1996 й.и.ч. д.р 01/669 НВА, бошлангич нархи 2 364 484 сўм

бўлган иккита «ВАЗ-21061»; 1989 й.и.ч. д.р 01/465 НВА бошлангич нархи 7 630 281 сўм бўлган «ЛАЗ-695Н»; 1994 й.и.ч. д.р 01/469 НВА, бошлангич нархи 8 329 102 сўм бўлган «МАЗ-5336»; Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирилик тасаруфидеги «Баркамол авлод» республика болалар техник ижодий марказининг 1990 й.и.ч. д.р 01/385ЕВА, бошлангич нархи 1 231 402,58 сўм бўлган «ВАЗ-2108»; 2003 й.и.ч. д.р 10АТ515, бошлангич нархи 5 376 040,14 сўм бўлган «Дамас» русумли автотранспорт воситалари қўйилади.

Аукцион савдолари соат 10-00да бошланади. Буюртма қабул қилиш савдо кунидан бир кун аввал соат 18-00да тўхтатилади. Савдоларда қатнашиш учун бошлангич нархнинг камиде 20 фоизи миқдорда закалат пули «TOSHKENT KIM OSHDI SAVDOLARI» МЧЖнинг АТБЕ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги ФА 00425, СТИР 302088054, 20208000104932833002 ҳисоб рақамига тўланади. Савдо солиғига савдо кунидан бошлаб йигирма кун муддат ичиде олди-сотди шартномасини имзолаш, тўланган закалат миқдор

ри сотиб олиш тўлови миқдорининг 15 фоизидан камини ташкил этган тақдирда етишмаётган суммани шартнома тўлиғунга қадар тўлаб бериш шартлари юклатилади. Мазкур автотранспорт воситалари юқориде белгиланган савдо куниде сотилмаган тақдирда навбатдаги ҳафталарнинг пайшанба кунлари ўтказиладиган савдоларга такроран қўйилади. Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабдорлар белгиланган муддатларда қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар: — аукцион савдоларида қатнашиш учун буюртма икки нусхада; — закалат тўланганини тасдиқловчи тўлов ҳужжати нусхаси;

— кукукий шахслар — давлат руйхатидан ўтганликлари ҳақидаги гувоҳнома нусхаси, аукцион савдоларида ишончли вақил қатнашишида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома; — жисмоний шахслар — паспорт нусхаси, аукцион савдоларида ишончли вақил қатнашишида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома. Буюртмалар аукцион ўтказиладиган куйидаги манзилда қабул қилинади: Ташкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчаси, 7-уй. Маълумотлар юқориде кўрсатилган манзилдан олиниши мумкин. Алоқа телефони (+998 93) 388-6996 электрон почта: tkos-mail@inbox.ru

САИДНОСИРБОЙНИНГ БОЙЛИГИ

Ўқилмаган саҳифалар

Атоқли адибимиз Ойбекнинг рафиқаси Зарифа Саидносивра номи адабиёт муҳаббатига яхши таниш. Адабиёт фидойиси, таниқли олиманинг китобхоналар орасида бу даражада шуҳрат қозонишига, илму фанга меҳрини боғлашда отаси Саидносирийнинг катта хизмати синган.

«Ойбек уй-музеи» директори Ойнуор Тошмухамедова томонидан бизга тақдим этилган Саидносирийнинг она аъзоларига ёзган мактубларини ўрганиб чиқиш жараёнида унинг ҳаёти, табиатига хос янгидан-янги чизгилар аниқланди.

Мазкур мактубларнинг муҳаббатига эришган муваффақиятларидан ҳам ҳайратланган бўлишимиз мумкин. Бу мактубларнинг муҳаббатига эришган муваффақиятларидан ҳам ҳайратланган бўлишимиз мумкин. Бу мактубларнинг муҳаббатига эришган муваффақиятларидан ҳам ҳайратланган бўлишимиз мумкин.

«Зарифа! 28/1 да юборган хатингни олдим. Москвага ариза юборганим яхши бўлибди. Бориб ўтиришга ҳожат йўқ. Ортиқча вақт ва маблағ сарф бўлади. Умуман олганда, имконият бўлса Қизил хоч маълумотномани сизлардан кўра тезроқ ола биларди. Агар февралнинг охиригача жавоб келмаса, яна иккинчи марта ёзгин, фақат хатингда бундан аввал ариза ёзиб юборганингни қайд этиб, аризани қўриқлаётган ё қўрилмаётганини сўрагин. Жавоб олсанг, менга хабар бергин.

...Хатларингни олиб турибман, улар баъзан кечикиб келади. ...Тез-тез хат ёзиб тургин. Жилла бўлмаганда 4-5 кунда битта ёз. Орада ортиқча ёзиб юбор. Хатларинг менга малҳамдир.

Агар ёзда ишлаб чиқариш амалиётини ўтайдиган бўлсанг, менимча, шароб заводидан кўра ёғ заводини танлаганим маъқул. Агар имконият бўлса ёзда бир ой (ёки ярим ой) бўлиб вақтинг қилишига ҳаракат қилгин. Чунки бирон ерда дам олишинг керак. Бу ҳақда яна гап-лашамиз.

Гапларингга қараганда овқатланганингни маъноси йўқ. Аслида сен ёзгандан ҳам хароброқ бўлса керак. Бу аниқ. Сеннинг ойлигинг ҳеч нарсага етмаслиги маълум. Ойлигингдан менга ҳам юбориб турсан, ўзингга ҳам ҳаракат қилишинг керак. Уйда эса кўпчилик қилади. Мен шу қадар яхши ота эдимки, сизларни бирон нарса билан таъминлаб қўйиш кераклигини ўйламабман. Тан оламан, мен узокни кўра олмас эканман.

Сафо билан Зулфиянинг алоҳида яшаш истаклари яхшиликка олиб келмайди. Онанг уйдими? Қайси уйда? Иккала-си иш бераптими ёки биттасими?

Бу ерда совуқ ҳавонинг ҳарорати биров кесилди. Сизларда февралнинг бошида кунлар илйи бошлаган бўлса керак, деб ўйлайман.

Менинг тақдирим ҳамон мавҳум. Агар бирон нарса билсан, албатта, хабар қиламан. Кутишдан бошқа илож йўқ. Қутяпман. Сизлар ҳам хотиржам, изтиробга тушмасдан мендан ё Москвадан хабар кутишлар. Яқин кунларда дийдор қўришидан умид қиламан. Хаммага салом.

Хат мазмунидан Саидносирийнинг кизларидан келган мактублар унга мадад, суянчи бўлгани кўриниб турибди. Саидносирийнинг оиласидан узокдалиги, шу сабабли кизларига бериши лозим бўлган меҳрни беролмаётганидан қалби изтиробдалиги ва бу бўлиқни маслаҳатлари билан тўлдириб ҳаракат қилганини кўрашимиз. Кизлари билан боғлиқ масаланинг катта-кичиклигиндан қатъи назар, ҳар бир масалада унинг иштирокини кўрашимиз.

«Шарифа! 26/6 да жўнатган хатингни олдим. Шу кунгича «ҳозирча тўхтаб тур» деган мазмунда ортиқча юбордим, олган бўлсанг керак.

Ўйлашимча, Москванинг узинпроси сенга тўри келмайди: а) улар сени раҳбар қилиб тайинлаш мақсадида ишга таклиф қилишяпти, шунинг ўзинданок масала ойдин. Бу иш кўп вақтинг олади. Ўз-ўзидан маълумки, сен ишларингга улгурмайсан ва асосий ўқишингдан қолиб кетсан; б) соғлигинг муттасил ишлашга ва тўри келмайдиган шароитда яшашингга ярамайди. Бу билан ҳисоблашмасликка илоҳинг йўқ; в) масаланинг моддий томонини ҳам ўйлашга тўри келади, агар у ерга борадиган бўлсанг, шимол об-ҳавосига мос кийим-кечак олишга тўри келади. Бундан ташқари, кундалик ҳаракатларга, кўп бўлмаса ҳам, пул керак бўлади. Бу сенга оғирлик қилади...

Бундан ташқари, агар сен Тошкентда II босқинчи тугатаётган бўлсанг, Зарифа кўмагинда уч йил давомиде, аста-секинлик билан университетнинг иккинчи курсига тайёрларлик қўришинг мумкин бўлади.

Зарифа, менга 2 та ички кўйлак, қорақўл ёқалик эски бўз пальтомни, калишимни ... юборгин. Агар 30 да посылка юборадиган бўлсанг, кўпроқ «патир» жўнатгин, фақат «сок»и майдароқ бўлсин. Қишчи посылка ҳақида кейинроқ ёзаман. Пул юборсанг, икки мингга камроқ юборишинг мумкин.

Саидносирий бой кишилар тоифасига мансуб бўлса, хатда кизлари учун, ёмон кунда асқотиши мумкин бўлган, етарли маблағ ҳам, гариб кўймаганлигидан афсуссиз далигини кўрашимиз. Бу унга хос яна бир чизгини юзага қалқиб чиқишига сабаб бўлади. У бойликка эмас, маърифатга муҳаббат қўйган инсон эди.

Саидносирийнинг кизларига ёзган хатларини қайта-қайта ўқисак, ота-болалар муносабати билан боғлиқ янги ва янги хулосалар, умумлашмалар, қарашлар юзага келишининг шохиди бўлашимиз. Зеро, Саидносирийнинг бойлиги унинг кизлари эди.

Ўз навбатида, Саидносирийнинг кизлари йўлаган муҳаббат тўла мактубларини кўздан

Билмаганини билган яхши
Оммавий шартнома қандай бўлади?
— Яқинда газетда «оммавий шартнома» деган иборани ўқиб қолдим. Шу ҳақда маълумот берсангиз.
А.Турдиев
Юнусобод тумани

Оммавий шартнома муайян ташкилот томонидан тузилади. Унда ташкилотнинг ўзига мурожаат қиладиган ҳар бир шахсга нисбатан амалга ошириш шарт бўлган товарлар сотиш, ишлар бажариш ёки хизматлар кўрсатиш соҳасидаги вазифалари (чакана савдо, умумий фойдаланишдаги транспортда йўловчи ташиш, алоқа хизмати, энергия билан таъминлаш, тиббий хизматлар, меҳмонхона хизмати ва ҳоказо) белгилаб қўйилади. Оммавий шартнома тузишда ташкилот бир шахсни бошқа шахсга нисбатан афзал қўришга ҳақли эмас (қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно).
Умуман олганда, икки ёки бир неча шахснинг фуқаролик ҳуқуқлари ва бурчларини вуқудга келтириш, ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги келишуви оммавий шартнома дейилади.
Саволга Юнусобод тумани ДНИ нотариуслари Улуғбек СОБИРОВ, Саидхон ЭШОНХОНОВ жавоб берди.

Лотерея ўйинларида кўрилган зарар сугурталанмайди
— Сугурта шартномаси қандай пайтда тузилади? Унинг мажбурият ва афзалликлари нималардан иборат?
О. Ҳақназаров
Шайхонтоҳур тумани

Сугурта фуқаро ёки юридик шахснинг сугурта ташкилоти билан тузиладиган мулкий ёки шахсий сугурта шартномалари асосида амалга оширилади. Бу шартномалар, агар унда бошқача тартиб назарда тутилган бўлса, сугурта муқофоти ёки биринчи бадал тўланган пайтдан кўчга қиради.
Сугурта шартномаси ёзма шаклда тузилиши шарт. Бу талабга риоя этмаслик шартноманинг ҳақиқий саналмаслигига сабаб бўлади.
Ҳайриқонуний манфаатларини сугурталашга йўл қўйилмайди. Мисол учун, қимор, лотереялар ва гаров ўйинларида кўриладиган зарарни ҳамда гаровга олинганларни озод қилиш мақсадида қилинадиган мажбурий ҳаражатларни сугурталаш мумкин эмас.
Фуқароларнинг ижтимоий манфаатлари ва давлат манфаатларини таъминлаш мақсадида қонунда ҳаёт, соғлиқ ва мол-мулкнинг мажбурий давлат сугуртаси белгилаб қўйилиши мумкин. У сугурта тўғрисидаги қонун ҳужжатлари асосида, унда кўрсатилган давлат сугурта ташкилотлари томонидан амалга оширилади.
Саволга Шайхонтоҳур тумани ДНИ нотариуслари Маъмура НИЁЗОВА, Юлдузхон ЭРҒАШЕВА жавоб берди.

Закалат гаров бўла олади
— «Гаров» тушунчаси нима? Закалат гарови бўла оладими?
С.Абдужабборов
Мирзо Улуғбек тумани

Бир шахснинг бошқа шахсга мол-мулк ёки унга бўлган ҳуқуқни мажбурий тартибда таъминлаш учун бериши гаров ҳисобланади. Гаров закалат, ипотека, шунингдек, ҳуқуқлар гарови тарзида амалга оширилиши мумкин. Муайян мулк гаровга қўйиш томонидан гаровга олувчига ўтказилганда гаров закалат, қўчмас мулкни гаровга қўйиш эса ипотека ҳисобланади.
Ҳар қандай мол-мулк, шу жумладан, ашёлар ва мулкий ҳуқуқлар (талаблар) гаров нарсага бўлиши мумкин. Муомаладан чиқарилган мол-мулк, кредитнинг шахси билан узвий боғлиқ талабномалар ҳамда бошқа шахсга берилиши қонун билан ман этилган бошқа талаблар бундан мустасно. Бундан ташқари, ундирув қартилиши мумкин бўлмаган айрим турдаги мол-мулкларни гаровга қўйиш ҳам ман этилиши ёки чекланиши мумкин.
Саволга Мирзо Улуғбек тумани ДНИ нотариуслари Бўрибой МИРАЛИМОВ, Комилла ЗУФАРОВА жавоб берди.

Узрли сабабларга кўра
— Исмим ўзимга ёқмайди. ФХДЭ бўлимига ёзган исминини ўзгартириш ҳақидаги аризам рад этилди. Исм-шарифини ўзгартириш учун қандай қонуний асос бўлиши керак?
Гулсара Омонова
Қуйичирчиқ тумани

Ҳозирги пайтда амалда бўлган меъёрий ҳужжатларда фамилия, исм, ота исмини ўзгартириш учун узрли сабабларнинг тўлиқ рўйхати эмас, балки уларнинг айримлари кўрсатилган. Жумладан, бундай сабабларга:
— фамилия, исм ва ота исми эшитилишида ёқимсиз бўлса;
— фамилия, исм ва ота исми миллатига тўғри келмаса;
— никоҳгача бўлган фамилияга (никоҳда турган даврида ҳам, никоҳдан ажратилгандан кейин ҳам) қайтиш истаги;
— оилада бир хил фамилия бўлиш истаги (никоҳ тузиш пайтида эр-хотин умумий фамилияни танламаган бўлса);
— «Давлат тили тўғрисида»-ги Қонуннинг 15-моддасига асосан (ушбу моддага кўра, Ўзбекистонда яшовчи шахслар, миллатидан қатъи назар, ўз исми, ота исми ва фамилиясини миллий-тарихий аъёнларга мувофиқ ёзиш ҳуқуқига эга);
— ФХДЭ идораси томонидан узрли деб топилган бошқа асослар қиради.

Булардан ташқари, мураккаб бўлган фамилия (масалан, Саидбормуромов, Каримжўрамажум) ва исмларни соддашатиришни хоҳловчи фуқароларнинг илтимоси ҳам асослидир.
Оила кодексининг 226-моддаси 2-қисмига кўра, фамилия, исм ва ота исмини ўзгартириш тўғрисидаги ФХДЭ идорасининг хулосаси ички ишлар идоралари томонидан ушбу шахс тегишли текширувдан ўтказилгандан кейингина тузилиши мумкинлиги таъкидланган. Бундай текширишларни ўтказиш учун ички ишлар бўлимига 30 кун муддат берилган. Шу муддатда ички ишлар идораси ўзининг ижобий ёки салбий хулосасини бериши шарт. Агар шахсга нисбатан тергов олиб борилаётган ёки судланган бўлиб, судланганлиги олиб ташланмаган ёхуд бошқа салбий ҳолатларда ички ишлар идораси рад хулосаси бериши мумкин. Судланганлик олиб ташлангач, шахсга фамилия, исм, ота исмини ўзгартиришга рухсат берилади. Ички ишлар бўлимининг хулосасини (ижобий тарздаги) олгач, ФХДЭ идораси аризани қаноатлантириш ҳақида хулоса тузади ва тегишли давлат божи тўловларини ундириб, далолатнома ёзувига ўзгартиришлар киритади ҳамда янги гувоҳнома беради.
Саволга Оққўрғон тумани ФХДЭ бўлими мулдери Минаваб САЙДАЛМОВА жавоб берди.

Фирибгарлардан эҳтиёт бўлинг!

Айёрлик билан фирибгарликнинг ораси бир қадам, биринчисидан иккинчисига ўтиш жуда осон; айёрликка ёлгон қўшилса, тап-тайёр фирибгарликдир.

Жан де ЛАБРИЙЕР, француз ёзувчиси

Бугунги кунда бутун дунёда юз бераётган криминоген омиллар мамлакатлар иқтисодига сезиларли даражада салбий таъсир кўрсатмоқда. Хусусан, иқтисодиёт соҳасидаги жиноятчиликнинг анча кенг тарқалган кўринишларидан бири — мулкни талон-торож қилиш жинояти мамлакатлар раванқига жиддий таъсир кўрсатувчи омиллардан бирига айланган. Афсуски бу турдаги жиноятлар йилдан-йилга турли кўринишларда содир бўлмоқда.

Статистик маълумотларга кўра, 2011 йил мобайнида вилоятимиз ҳудудида содир этилган умумий жиноятларнинг 22,5 фоизи ўзгалар мулкни талон-торож қилиш билан боғлиқдир. Ушбу турдаги жиноятлар фирибгарлик кўринишида кўп тарқалмоқда. Уларнинг аксарияти мулкка қаратилгани билан характерлидир.

Ўтган йил мобайнида вилоятда 58 нафар шахсга нисбатан фирибгарлик жинояти бўйича суд ҳукми чиқарилган. Улар томонидан фуқароларнинг 2 миллиард 440 миллион 47 миң 558 сўмлик мол-мулк товланмачлик йўли билан қўлга киритилган. Бу кўрсаткич 2007 йил якуни бўйича таққосланганда 37,9 фоизга ошганлигининг гувоҳи бўлашимиз.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: фирибгар аслида қандай шахс ва у ўзгалар мулкни қай йўл билан қўлга киритади? Аввало, у ўз тузоғига илин-



нинг сўм пулни қўшқўллаб тутқазди. Аммо...

Интизор ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, хивалик Анабиби Сапаеванинг ҳам кўнглига қўл солиб кўради. Фарзандларини ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига хизматга жойлаштириш мақсадида юғриб-елиб юрганлигидан хабар топиб, тузоғига интирилади. Онахон ўғиллари Нуриддин ва Улмасбек Эшниеволар ҳамда жияни Комилжон Каримовни ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига хизматга жойлаштириб беришни ваъда қилган Интизорга нақд 15 миллион сўм пулни бериб юборади.

Нафси тубсиз ўпқонга айланган Интизор урганлик Қумри Раҳмонова, Шохида Якубова, Дилдора Мадатова, Онабиби Жуманиёзова, Дилноза Султובה, Дилбар Худойберганова, Садоқат Отажоновна, хивалик Шоира Раҳимберганова сингари ўнлаб содда аёлларнинг ишончига кириб, турли

жойларга ишга жойлаштиришни ваъда қилиб, улардан ҳам катта миқдордаги пулларни шу йўсинда ундириб олади.

Ҳа, Интизор фирибгарлик йўлида ҳеч нарсадан қайтмайди. Ўз ҳамюртларини алдаш ва ишончини суиистеъмол қилиш йўли билан 50 миллион сўмдан зиёд молларни қўлга киритади. Жиноят ишлари бўйича Урганч шаҳар суди унинг бу қилмишини атрофлича қўриб чиқиб, 5 йилга 6 ойга озодликдан маҳрум этди.

Фирибгарлар томонидан содир этилган бу каби жиноят тафсилотларини жуда кўплаб келтириш мумкин. Назаримизда, қаллоблар тузоғига илинаётган фуқароларимизнинг ҳуқуқий билим савияси савёзде. Қолаверса, уларнинг табиатида ишонувчанлик хисси анча юқори. Ҳўш, бундай жиноятларнинг олдини олиш учун қандай ишларни амалга оширолмоқ лозим? Бизнингча, биринчи навбатда бу борада етакчи мутахассислар иштирокидаги тарғибот-ташвиқот ишларини янада кучайтириш зарур. Турли таъсирчан видеороликлар тайёрлаб, оммавий ахборот воситаларида кенг намойиш этиш лозим. Шунингдек, ушбу мавзуга оид турли плакатлар ҳамда буклетларни ишлаб чиқиб, уларни фуқаролар кўпроқ тўпланадиган жойларга илиб чиқилса мақсадга мувофиқ бўларди. Қолаверса, қишлоқларда, маҳалларда, ўқув муассасаларида, қорхона ва ташкилотларда фирибгарлик жиноятининг оғир оқибатлари хусусида сўхбатлар, учрашув ҳамда савол-жавоб кечалари ўтказишни йўлга қўйиш ҳам яхши самара беради.

Ақром РАЖАБОВ, Жиноят ишлари бўйича Хоразм вилоят суди судьяси

МАЪНАВИЯТ

Кийиниш маданияти

МИЛЛИЙ ЎЗЛИГИМИЗ ҲАВАСИДА

Ўтган асрнинг ибтисидан бошлаб овропача кийиниш русумга айланган.

Хуллас, ораста кийиниш бобида Осиё Овропога тақлид қилди. Албатта, овропача кийинишнинг ўз ўрни, афзал томонлари бор. Фарбада юқори лавозимли амалдор ёки миллионер билан бир қаторда оддий ходимнинг диққатини ташвиш қилиши билан қўчага чиқиши маданият саналади. Шу боисми, ҳозир расмий либос мақомига эга бўлган ораста ва зебо кийиниш нормалари дунё миқёсида урф бўлди. Аммо миллий либосимизни "қолоқлик аломати" деб тушунамаслик, унга беписанд қарамаслик керак. Шундай фикр қилиш аждодларимиздан мерос бўлиб келатган гўзалликни кўра оламаслик, миллий либосимиздаги моҳиятни англамаслик аломатидир.



Қириятпи нигоҳи, — дебди кимдир. — Ёқтириб қолмадимкин?

Кийиниш бу — даб-даба эмас. Айрим хотин-қизлар қимматбаҳо матодан тикилган либос билан ўзларини кўз-кўз қилиб, "обру-этибор" ортиришига иштиёқманд бўлади. Замонавийлигини исботлаш учун ҳаддан ортиқ модага берилиш ҳам ожизлик.

...Хар нарсада бўлгани каби кийинишнинг ҳам ўзига хос меъёр, чегараси бор, ундан чиқилди, ҳаёсизликкача — бир қадам... Гоҳида кунлар исчи билан калта шим — шорт билан кўча-қўйда, жамоат жойларида бамайлихоти юрган йигитларни кўриб, энсамиз хотади. Фаросати бор одам, қаерда бўлмасин, ўзини қандай тутишини яхши билади. Ўз уйим, фарзандларим-ку, дея бепарво бўлмай, хондонда ҳам ҳамиша кийиниш одобига риоя қилади.

Кибрий Қажҳорова (охирати обод бўлсин) "Чорак аср ҳамнафас" асарига атоқли адибимиз Абдулла Қажҳор тўғрисида ёзarkan, умр йўлдоши кийиниш бобида ўзига хос фазилат эгаси бўлганини хотирлаб ўтади. Ёзишча, адиб кийим алмаштиришда ҳар кун бажарилган ишни ҳатто тан маҳрами хузурда ўзига раво кўрмас, бу борада ҳаёлилик таомилларнинг қай даражада нозик жиҳатлари борлигини гўё таъкидлаб ўтгандек бўлар ва шахсий ибрат кўрсатар экан.

Баъзи хотин-қизларнинг фарбага хос очкич-сочик юриши миллий қадриятларимизга дарз солиш баробарида келажак авлод тарбиясига салбий таъсир кўрсатиши муқаррар. Фарб маданиятининг қанчалик юксак даражадалиги эътирофга молик, албатта. Аммо ажнабий либоснинг миллий менталитетимизга тўғри келмайдиган томонлари ҳам талайгина.

Шу ўринда ибратли ривоят: ...Бир ўлкага ёғий боттириб кириб қирғинбаротни бошлаб юборибди. Улимга маҳкум этилганлар орасида

бир аёл ҳам бор экан. Уларни олиб кетишганда ўша аёл ип ва игна беришларини илтимос қилибди.

— Нима қилсан ип-игна-ни? — сўрабди жаллод.

— Тиззамнинг ёнидан чоки сўкилибди, шунини чандиб олай, — дебди маҳкума.

— Ахир, сен ҳозир ўласан-ку!

— дея қилишибди посбонлар.

Шунда мўмина аёл шундай жавоб қилибди:

— Мен аёлман, шарм-хаёни сақлашим керак!

Либос танлаш, кийиниш маданияти, айниқса, санъат соҳаси, жумладан, кўшиқчилик санъатида муҳим аҳамиятга эга. Ойнаи ҳақон орқали намойиш этилаётган баъзи клипларни кўриб, ўзимизни нуқул сезамиз: ажаб, ашула айтмоқчимиз ё қоматини кўз-кўз қилмоқчимиз кўшиқчи аёл? Чет эл киноларидаги қаҳрамонлардан андоза олиб, миллий одатларимизга ёт либосда, ярим яланғоч ҳолда клипларда кўриниш шарқона одоб-ахлоққа тўғри келармикин?

Айни чоғда ҳаёли ва ибодли санъаткорнинг кийиниш эстетикаси, ижрочилик этикаси билан юрагимизда жой топиши табиийдир — мумтоз наволар билан бир қаторда эстрада йўналишидаги замонавий тароналар ҳам қалбимизга нур каби синггандай. Муқаддас нарсаларни асраб-авайлаймиз. Ҳамма халқнинг турли кўринишдаги бош кийими бор, лекин дўппи иссиқ ва совуқдан ҳимояловчи мўтадил кийим бўлиш баробарида азиз бошни бало-қазорлардан асрагувчи, маълум маънода, тумор ҳамдир. Дўппи қирра-сини айлантириш учун безакли хияқдан фойдаланадилар. Қадимий эътиқодга кўра, у ҳам инс-жинслар таъсиридан сақловчи бир восита.

Ҳудуд оддийгина белбоғ. Кўёв белига никоҳ кечаси жўралари белбоғ боғлайдилар. Нима мақсадда? Изоҳга ҳожаат йўқ...

Биринчи ўзбек фотографа ва кинооператори Худойберган Девоннов 25 ёшлар чамасидаги хушрўй бир жувонни

— Каранг, хурлиқомизни

қидриятпи нигоҳи, — дебди кимдир. — Ёқтириб қолмадимкин?

Лекин "хурлиқ"га назари тушган мэр... бўшашибди, юзидаги табассум сўнибди: — Э, қани дўппи кийиб олган ўша малоҳатли қирққоқ киз? ...Миллий либосимизда аждодларимиз суннати мужассам бўлиб, ундаги мазмун-моҳиятни ёши улуглар билан бир қаторда хушфелъ ёшларимиз ҳам англаб, муборак қадриятларимизнинг талаб-қоидаларига риоя этадилар!

Бир вақтлар инсоният тафаккури, фан ва маданиятнинг энг кўна ўчоқларидан бири бўлган бу муқаддас замин — Синою Беруний, али Фарғоню ал-Хоразмий, Фоброю Улугбеклар ватанига истиқлол шарофати ила файз қайтди. Танлаган йўлидан дадил одимлаётган халқимиз фан, таълим, тиббиёт, маданият, спорт ва шу сингари барча соҳаларда бемисл ютуқларга эришиб, дунё эътиборини тортди. Ўзбекистон таърихидаги ўрғаниш ва татбиқ этишининг қанчалар аҳамиятлилиги халқаро ҳам-жамият томонидан эътироф этилди.

Китобнинг муқовасига қараб баҳо бермайдилар. Лекин кишининг ички гўзаллиги унинг дид билан кийинишдан ҳам зохир бўлиши мумкин! Миллий либос, айтиб ўтганимиздек, аждодлар мероси. Муносиб ворисгина кийим-кечак, кийиниш борасида ўзига талабчан бўлади.

Мухаммад ШОДИЙ

суратга олган эди. Вақтида суратдаги аёл "мафтункор чехра", "дунё гўзали" деб баҳоланди. У Бекажон Отажонова — фотографнинг турмуш ўртоғи. Хуснда ягонамиди Бекажон? Унчаликмас... Лекин у Хоразм миллий кийимига эди — хоразмча дўпписининг икки чаккасига товус пати кистирилган. Бекажоннинг ўзидан кўра кўпроқ кийими эътиборни тортар, кўзларни қувнатар, дилларни мафтун этарди. Миллий либосимизда эди кун...

Бир вақтлар инсоният тафаккури, фан ва маданиятнинг энг кўна ўчоқларидан бири бўлган бу муқаддас замин — Синою Беруний, али Фарғоню ал-Хоразмий, Фоброю Улугбеклар ватанига истиқлол шарофати ила файз қайтди. Танлаган йўлидан дадил одимлаётган халқимиз фан, таълим, тиббиёт, маданият, спорт ва шу сингари барча соҳаларда бемисл ютуқларга эришиб, дунё эътиборини тортди. Ўзбекистон таърихидаги ўрғаниш ва татбиқ этишининг қанчалар аҳамиятлилиги халқаро ҳам-жамият томонидан эътироф этилди.

Китобнинг муқовасига қараб баҳо бермайдилар. Лекин кишининг ички гўзаллиги унинг дид билан кийинишдан ҳам зохир бўлиши мумкин! Миллий либос, айтиб ўтганимиздек, аждодлар мероси. Муносиб ворисгина кийим-кечак, кийиниш борасида ўзига талабчан бўлади.

Мухаммад ШОДИЙ

Мухаммад ШОДИЙ

Мухаммад ШОДИЙ

Мухаммад ШОДИЙ

Мухаммад ШОДИЙ

Мухаммад ШОДИЙ

Мухаммад ШОДИЙ

Мухаммад ШОДИЙ

Мухаммад ШОДИЙ

Мухаммад ШОДИЙ

Мухаммад ШОДИЙ

Мухаммад ШОДИЙ

Мухаммад ШОДИЙ

Мухаммад ШОДИЙ

Мухаммад ШОДИЙ

Мухаммад ШОДИЙ

Мухаммад ШОДИЙ

Мухаммад ШОДИЙ

Ўдгор сўзлар — гавҳар сўзлар

Тулшанга этибори меҳур

Ёшлигимдан наинки тенгқурларим, ҳатто танилиб қолган ёзувчи, шоирлар ҳам менга ҳавас қилишарди. Чунки хизмат юзасидан Фафур Гулом, Ойбек, Асқад Муҳтор, Зулфия сингари ўз даврининг забардаст адиблари, шоир шуаролари билан деярли ҳар кун мулоқотда бўлиш кундалик ишм эди.

Улар орасида Миртемир домланинг меҳри ўзгача эди. Камсукум, камтарин бу инсон билан ишлаш ҳамиша завқли кечган. Миртемир домла учун шнинг катта-кичиги бўлмасди. Шу боис, ижод аҳли борки, ўз муаммоларини ҳал қилолмаган пайтда унинг ёнига шовшар, маслаҳатлашарди. Ижодий кайфият уйғонганда домланинг ороми йўқоларди. Ҳар бир шеър, сўз устида жуда кўп ишлардилар. Буни билганим — қозоғга қораланган шеърларини кўпинча айтиб турардилар, мен машинкада ёзардим. Шу тарзда битта шеърни тўрт-беш марта қайта-қайта ишлаганларини кўрганман. Ёнларига ҳаваскор шоирлар келиб қолса, ишни тўхатиб, бандман, демасдан қабул қилиб, уларни тинглар, йўл-йўриқлар берардилар.

Машинисткага айтиб туриш (диктовка) ҳам ўзига хос бир санъат ёки бадий ўқиш, десак, муболага бўлмас. Миртемир домла сўзларни, сатрларни вазминлик билан, чи-

ройли оҳангда ифода этардилар. Шу боис, сира чарчамасдим, аксинча завқ олардим. Буни кўпроқ «Манас»нинг таржимасини ёзаётганимизда ҳис қилганман. Бир кун Рамз Бобоюн хузурга чақириб, бошланган иш режадан чиқиб кетмаслиги учун бир неча кун Миртемир аканинг уйида ишлашимга тўғри келишини айтдилар, қўлим ўргангани учун машинкани ҳам элтиб беришди. Миртемир домла ҳориб қолган бўлсалар-да, «Манас»ни қирғиз тилидан тўғридан-тўғри ўзбек тилига ўғириб, айтиб турар, бирон сўзини туншмай қолсалар, стол устидаги лугатни варақлаб, тўғрига ишонч ҳосил қилгач, сўнг давом эттирардилар.

Меҳрибон, мулоим келин-ойимиз ҳар икки-уч соатда чарчаб қолмасликлари учун чойга таклиф қилардилар. Миртемир ака аввал ҳовлини бир айланиб, дилни яйратувчи гуллар чиройидан, анвойи бўйидан баҳраманд бўлиб, сўнг ўртадаги сўрига ўтирардилар. Вақтдан тўғри, унумли фойдаланиш асосий шоирла-

ри эди. Асабни ҳам бехудага сарф қилмасдилар. Каттиқ гапириш уларга бегона эди. Хуллас, ўн беш кун ичида «Манас»нинг таржимасини тугатдик. Шу ўн беш кун ичида ёшлиқ қалбим боғларига бир қанча анвойи фазилатлар уруғлари сочилган бўлса, не ажаб.

Ҳали-ҳануз Ҳамид Фуломнинг «Тошболта ошқид», Шухратнинг «Шинелли йиллар», Одил Ёқубовнинг «Муқаддас» ва яна кўплаб асарларни кўлбемдан кўчирганимни эслайман. Эслайман-да, Миртемир аканинг эндиликда гавҳарга айланган сўзлари ёдимга ташлади:

— Янги асарнинг «қаймоғи»ни, хоҳ шеър ёки хикоя бўлсин, биринчи машинистка «татиб» кўради ва биринчи бахони ҳам у беради.

Бу гапни эшитганимда ўша пайтлар юрагимда алланечук туйғуллар уйғонганди. Ана шу туйғуллар кейинчалик мени ҳам адабиёт оламига олиб кирди. Миртемир домладаги ёшларга бўлган меҳр, самимий гавҳарлиқ ўнлаб, юзлаб йигит-қизларни ижод гулшанига етаклади. Уларнинг кўплари машҳур ёзувчилар бўлиб етишди. Чунки устоз чин маънода ибратли инсон эди. Шундан бўлса керак, унинг шеърлари ҳам, номи ҳам барҳаётдир.

Муқаддас АБДУСАМАТОВА

Мутолаа манзили

ТОШҚИТТИ ЁТДУ

Мустабид салтанат мафқураси авж «мақоми»га кўтарилган йиллари бир туман фирқа ҳайъатининг йиғилишида иштирок этганлар шундай галати воқеага гувоҳ бўлишган эди. Биринчи котиб ўрнидан туриб рус тилида:

— Хурматли хайъат аъзолари, мен йўл қўйган жиддий сиёсий хатоси учун журналист Фалончиевга қаттиқ ҳайфсан беришни таклиф қиламан! — деди.

Йиғилишда қатнашаётган қаламқаш учун бу гап томдан тушган тарашадек бўлди, шекилли, эътироз билдирди:

— Нима учун? Саркотиб ўзи раҳбарлик қилаётган туманининг «Пахтакор» номли газетасидан биринчи олиб, боши баробар кўтарди:

— Қани, мана бу сарлавҳани ўзингиз ўқиб беринг, хурматли хайъат аъзолари!

— «Наво бўлса, Навойнинг навосидек наво бўлсин!»

— Каердан олдингиз, бу сарлавҳани?

— Насриддин аканинг газалидан.

Биринчи котиб ёрдамчиси:

— Нега у одамни ҳам йиғилишга чақирмадингиз? — дея ўшқирди.

— Насриддин ака Тошкентда яшаб, ижод қилади, — деди хайфсан олаётган қаламқаш «бу ёғи нима бўларкан», дегандай қитмирлик билан.

Раҳбарнинг қиёфаси сал юмшадди:

— У кишида айб бўлмаслиги мумкин. Ҳамма гап миллатчилик руҳида мақола ёзган сизда! — Биринчи котиб муаллиф имзоси билан мақола-лар чиққан бир даста газетани кўлига олиб кўрсатди. — Мана, бир мақолангизда Глинка ҳақида ёзибсиз. Масалан, мен туман фирқа кўмитасининг биринчи котибиман. Лекин ҳатто мен ҳам буюқ Глинка ҳақида мақола ёзишга журъат қилолмаган бўлардим!

— Сиз журналист эмассиз-да!

— Бетгачопарлик қилгани учун ўша қаттиқ хайфсанни охири оғохлантириш деб ёзинг. Олсин жазосини. Ё, фирқадан ўчирмадимиз?..

«Айбисиз айбдор» хайъат йиғилишидан кулимсираб қилиб кетди. Ҳамма ҳайрон: бундай жазо олганларнинг аксарияти ўша пайтда ё бўкириб йиллар, ё шу ерининг ўзида хушидан кетар эди. Унинг қулганига сабаб шу эдики, Фалончиев фирқага аъзо эмасди.

Собиқ тузум тарихидан қолган бундай қулгили лавҳани эслашдан мудоао шуки, Аллоҳ истеъдод, эътиқод билан сийлаган соф нафасли шоирнинг атиги бир сатри шунча воқеага сабаб бўлганди.

Шеърларида сўзни ёмби шаклида сайқаллай олган устоз Асқад Муҳтор бир шеърда «ҳаммасига аста-секин эришдим мен» деб ёзган эди. Биз бугун ҳаммасига аста-секин, сабру тоқат, теран билим, бетиним меҳнат билан эришган катта шоир, истеъдодли таржимон, ўз замонининг юрак уришини бедор юраги билан аниқ-тиник ҳис қила оладиган публицист, тарих қатларидан Насафийлар қолдирган мерос шуълаларини ахтарган заҳматқаш қалам соҳиби Насриддин Муҳаммадиев (Носир Муҳаммад) ҳаёти ва ижоди ҳақида кўп ва ҳуб сўзларни айтишимиз мумкин.

Биргина сатри ҳам шу қадар катта акс-садо берган, аслида оз ва соз ёзадиган чинакам шеър зарғари заковат билан:

Тарих асли, буюқ дархона,
Унда мўлдири турфа хил сабоқ.
Каж бўлса ҳам гоҳи замона,
Қадранан тўғри сўз ҳар чоқ.

— деб ёзган.



«ХУТ ШАМОЛЛАРИ»

Бадий ижод, шу жумладан, шеърят Носир Муҳаммад ҳаётининг бош мазмуни. У бир шеърда «Орзулар отида учсам ҳам энг аввало ерга қарайман, менинг қалбим заминга боғланган» дейди. Лирик қаҳрамони «ҳовлида ҳазин инграган тут», «қўқлам нафасидан уйғонган «шиқоллар», «новдалар», «шалолалар» билан қариндош. У шу кўёш нурларида ҳар қандай гавҳарнинг эриб кетишини истайд.

Ана шу гўзал шеърлар, теша термаган лирик номадлар билан шоирнинг яқинда Фафур Гулом номидан газетанинг ижодий уйида чоп этилган «Хут шамоллари» номи сайланмаси очилди. Деярли 350 бетдан иборат бу китобга шоир томонидан турли йилларда ёзилган нафис шеърлари, оҳорли газаллари, сафарномалари, Деҳлавий, Румий, Шекспир, Шиллер, Гейне, Пушкин, Абдулла Тўқай, Нозим Хикмат, Бехер, Межелайтис, Жўлмирза Оймирзаев каби замонасининг алломасига айланган ижодкорлар асарларининг таржималари, адабий мақола ҳамда эсселар киритилган.

«Хут шамоллари!» Бу китобга кирган шеърларда йигирманчи ва йигирма биринчи аср нафаси ҳам лирик, ҳам ижтимоий манзараларда ёрқин тарзда ўз ифодасини топган.

Носир Муҳаммад адабий жамоатчиликка ўтган асрнинг саксонинчи йилларида миллий шеърятнинг тўлақонли вакили сифатида танилди.

Бадий ижод — мардлар майдони. Кўпинча ўнлаб «қалин китоблар» чоп эттирган, ўзларини атоқлиман, деб ҳисоблаган зотлар муштарийлар эътирофига мушарраф бўлолмайдилар, юки енгил шеърларидан Шайхзода домла таъкидлаган «сув» чиқариб ташлаган, оддий сўз тизимига айланган қолади. Носир Муҳаммад эса биттагина «Техрон бозори» шеъри билан китобхонлар тилига тушган, адабиётшунослар томонидан тан олинган шоирдир.

Узо бир оламсан этувчи ҳайрон,
Турфа мўжизаю дардлар диёри.
Бойлиғи фақирлик сенда ёлма-ён
Эй, Техрон бозори, Техрон бозори,
Жоду кўзлар боқар чодирдан ниҳон,
Наҳот, зулмат ичра ўтар баҳори?
Ўзалиқни этиб бўлурми ниҳон?
Эй, Техрон бозори, Техрон бозори...

Насриддин аканинг арзу вазида ёзган шеърларида ҳам ажиб латофат муқассамини топган. Дунё кезиб теграмда турфа хил одам кўрдим,
Этти қават ер узра этти ранг олам кўрдим,
Нодонларнинг юзида бахту кувонч жўшласи,
Оқилларнинг диёдида гоҳи ниҳон гам кўрдим.
...Ярим аср йўл қориб, топган бойлигим — дўстлар,
Ташвишу кувончимда барин жамулажам кўрдим.

Насриддин ака бадий ижодда ярим аср йўл юрди. Оз ва соз ёзиш учун, Алишер Навоий ва Низомий Ганжавийнинг ўрганиши, тиллар ўлаштириши, яхши-яхши газаллар битиш учун йўл юрса ҳам мўл юрди. Бўйини Асқад Муҳтор, Жуманиёз Жаббор, Эркин Воҳидов ва Абдулла Орипов каби устозларга қараб ростилади.

Тенгдош ижодкорларнинг қаторида бор бўлди. У ижод йўлида мардона қадам ташлаётган беназир қалам соҳибидир.

Янгиёв ҚУЧҚОРОВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюмчаси аъзоси

Барчамизнинг бурчимиз

Бугунги кунда дунё бўйича тахминан 180 миллион одам гиёҳвандликка мубтало бўлган. Бу ер юзи аҳолисининг 3 фоизи ёки 15 ёшдан 64 ёшгача бўлган аҳолининг 4,7 фоизини ташкил этади. Гиёҳвандлик моддаларининг энг кўп тарқалган тури нава бўлиб, уни тахминан 150 миллион киши истеъмол қилади. Опиий гиёҳвандлик моддасининг домига эса 38 миллион киши инанган.

Кўришиб турибдики, гиёҳвандлик инсоният генофондида солаётган хавфи нуқтаи назаридан бугун халқаро ҳам-жамиятнинг энг долзарб муаммосига айланган. У келтирган офат оилаларнинг бузилишига, гўдакларнинг мажруҳ, ногирон бўлиб туғилишига, ёшлар умрининг ҳазон бўлишига сабаб бўлмоқда. Айниқса, ёшларнинг гиёҳвандлик домига тушиб қолаётгани ташвишланарлидир.

Мамлакатимизда гиёҳвандликка қарши курашиш учун аҳоли ўртасида, оила, мактаб,

маҳалла ва бошқа мутасадди ташкилотлар ҳамда кенг жамоатчилик ҳамкорлигида мунтазам тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Бу кўрилаётган чора-тадбирлар ёшларни гиёҳвандлик каби иллатлар хавфидан оғоҳ этишда кўл келмоқда. Бинобарин, ёшларни соғлом ва баркамол қилиб тарбиялаш бутун жамиятнинг вазифасидир. Бу иллатга қарши курашишда, аввало, фарзандларимиз қалбида инсонийлик фазилатларини жо қилиш, юртга, ота-онага меҳр-муҳаббат, садоқат каби фазилатларни шакллантирмоқ керак. Асрлар оша шаклланиб, сайқал топиб келаётган қадри-

ятларимизга ҳурмат ва эҳтиром руҳида тарбиялаш эса уларнинг ҳар томонлама етуқ, фозил инсонлар бўлиб камол топишларида муҳим асос бўлиб хизмат қилади.

Муқаддас ҳадисларимизда таъкидланганидек, ота-онани фарзандга қоладиган энг муносиб мерос бу — юксак ахлоқ ва гўзал тарбиядир. Шу боисдан ҳам барча даврларда ахлоқ ва тарбияга ҳаёт-мамонт, умумбашарий ва умумижтимоий масала сифатида ёндашилган. Шу сабабли ҳам ҳар бир ота-она, устозлар, маҳалла-қуй, жамоатчилик фарзандлар тарбиясига масъуллиги, уларнинг баркамол ўсиб-ўлғайишлари, билим олишлари, дунёга қараётган соғломлигида жавобгар эканлигини унутмасликлари керак. Бир сўз билан айтганда, бу офатга қарши кунни рашишини ҳар бир шахс зиммасидаги инсонийлик бурчи сифатида қабул қиломоғи керак.

Давлатимиз раҳбари «Меънавий энг катта ишончим, ма-

Саида ИСМОИЛОВА,
Тошкент шаҳридаги 1-сонли
Бахт уйи директори

Номодий қадриятлар

Ёз чиласи эди. Бўстонликлик дўстим дам олиб, ҳаво алмаштириб қайтасизлар, деб бизни қишлоғи — Товоқсойга тақдир қилди. Кенг далаларни, мусаффо тоғ ҳавосини соғиниб қолган эканмиз. Уч ҳамкасб эртаси кунийёқ саҳарда йўлга тушдик.

МЕХҲУР ВА СЕҲҲУР

ёхуд ёш авлодни Ватанга муҳаббат, эл-юртга садоқат руҳида тарбиялашда алла билан эртақнинг беқиёс аҳамияти ҳақида

...Бизни сочлари қордек оппоқ, кўллари қадок, тортган машаққатлари юзида ўз изларини қолдирган, аммо истараси иссиқ, хатти-ҳаракатлари чаққонгина онахон останада хушнуд қаршилади. "Болагинамнинг ўртоқларидан ўзим ўргилай, зап келибсизлар!" дея обдон алқаб, кун бўйи атрофимизда гирдиқалпақ бўлди. Келини ҳам тиним билмади, дастурхонни турли-туман ноз-неъматларга тўлдириб ташлади.

Кечқурун шаҳарга қайтмоқчи эдик, онахон изн бермади. "Бир кеча минг кеча эмас. Бу оқшом қоласизлар", дея туриб олди. Унинг раъйига қарши чиқолмадик.

Хуфтон пайти ҳовли бурчагидаги сўрида давраимизга қўшилган дўстимнинг синфдошлари билан сўхбатлашиб ўтиргандик, рўпарамизда 4-5 ёшлар ҳамасидаги ёқимтойгина болакай пайдо бўлди. У бизга ийманиб-роқ салом берди-да, зинапойдан сўрига чиқиб, онахоннинг тиззасига ўтирди.

— Эна, — деди бир оздан сўнг эркалиги тугиб бошини унинг бағрига қўйган, — бугун ҳам эртақ айтиб берасиз-а...

— Айтиб бераман, албатта, айтиб бераман, тоёғим! — Бувиси ўзига ялинганнамо тикилиб турган кичкинтойни ортиқча маҳал қилмай, дарҳол жавоб қайтарди. Кейин даврага юзланиб, уэр сўради. — Сизлар гурунгни давом эттиравеинлар, қоқиндикни ухлатиб чиқай. Ётишдан олдин эртақ эшитмасиз, кўнгли жойига тушмайди.

У шундай дея, неварасини етаклаб, ўнмиыздаги уйга кириб кетди. Кўп ётмай хона чирғи ўчди. Ортидан паст ва мулойим овоз эшитилди:

— Бир бор экан, бир йўқ экан, қадим ўтган замонда, Кўкун деган томонда...

Қизик, шу сўзлар кулоғимизга чалиниши биланқоқ неғадир давраимизга ўз-ўзидан жимлик қўчди. Ҳаммаси уйга толдик. Менинг кўз ўнгимда анчақадан бери бормаган қишлоғим, мурғаклигимда ҳар оқшом биз — ака-укаларга эртақ сўзлаб берадиган онам гавдаланди. Қайтама, бошқалар ҳам шундай ширин хотиралар оғушида қолган эди.

Қанча хаёл сурдим, билмайман, бир маҳал ичкаридан келатган чақалоқнинг овози ҳаммамизни ҳушёр торттирди. Эртақчи онахон оқик деразадан ошхона томон мўралаб, паст овозда келинига ишора берди:

— Кичкингангиз сизнинг аллангизни соғинганга ўхшайди. Келажикнинг! Бироздан сўнг боёғи холат яна такорланди, фарқи — бу сафар ичкарида эртақ эмас, алла янграр, ташқарида эса майин шабада эсар, осмонда ой сузар, юлдузлар бошимиз узра махлбэ эди.

Алла айтай эсоним болам, **Ором олсин, алла-ё, алла.** **Ширин аллам тинглаб олам,** **Ухлаб қолсин, алла-ё, алла.**

Ахён-ахёнда бир-биримизга маъноли қараб кўярди-у, аммо тилимизга калом кўчмасди. Чунки бизни она меҳри, эртақ сўхи ва алла оханги ўзига ром этганди. Барчамиз беғубор болалигимизга қайтиб, мунис оналари-

мизни, табаррук момоларимизни эслаётгандик... Момо замин эса ҳаммамизни бағрида ардоқларди. **Алла айтай боқай сенга, алла-ё, алла.** **Тумор олиб тақай сенга, алла-ё, алла.** **Қурбон бўлиб кетай сенга, алла-ё, алла.** **Муробимга етай сен-ла, алла-ё, алла...**

Ажаб, нега шундай ҳол юз берди? Салкам эллик ёшни қоралаб қолган, аллақачон неварали бўлган одамлар кекса аёл айтган эртагу ёғина жувон куйлаган аллани эшитиб, нега бунчалар уйга толдик, болалардай ювош тортиб қолдик?!

Менимча, бунинг сабаблари кўп. Оддийгина аллани олиб қарайлик, аслида у болани овутиб, ухлатиш асосида яққа тарзда айтиладиган қўшиқ, Матни асосан тўртликлардан иборат бўлиб, бешиқ ё беланчакнинг тебранишига мос, бадиҳагўйлик йўсинида эркин ижро этилади. Ўзбек, уйғур ва тожик халқлари орасида алла деб юритилади. Айрим талқинларга қараганда, бу атама "Аллоҳ" сўзидан олинган бўлиб, "Яратгандан норасида гўдакни ўз паноҳида асрашни сўраб илтижо қилиш" деган маънони англатади. Бундан қатъи назар, аллада мўъжизавий сеҳр бор. Сабаби, у онанинг ётмиш икки томирдан — бутун вужудидан отилиб чиқадиған меҳр силсиласи. Унда аёлнинг болага меҳр-муҳаббати, эзгу орзу-умидлари, соф ниёт-тиллақлари ва руҳий кечинмалари ўз ифодасини топади. Энг муҳими, алла умумбашир қимматга эга. Онага булунғиб, болага онанинг беғонаси бўлмаганидек, алла ҳам чегара билмайди, миллату элат, дину эътиқод танламайди. Қайси тилда, қай даражада ижро этилмасин, бу қўшиқни барча миллат ва элат гўдакларини бирдек тинглайди, сўзларини тушунамаса ҳам ундан бирдек ором олади.

Алломаларнинг таъкидлашларича, Ватанга муҳаббат, эл-юртга садоқат тўғриси инсон қонига, аввало, она сутюи алласи, кейинроқ эса болалигида эшитган эртагу чўпчаклари, шеър қўшиқлари орқали кираркан. Бир ривоятда бу ҳақда қуйидагича нақл қилинади:

Робия исмли қиз хорийлик йиғитга турмушга чиқиб, узок ўлкага кетаётганида онаси унга бир нарсани доимо ёдида тутишини қаттиқ тайинлабди. Аниқроғи, тугилажак зурриётларига ҳаргиз алла айтмаслигини ўтинчи сўрабди. Вақти-соати етиб, Робия фарзанд кўрибди. Аммо онасининг илтимосига риоя қилиб, алла айтмабди. Оқибатда чақалоғи узок яшамасди. Иккинчи бор кўзи ёриганида ҳам шундай бўлибди. Учинчи боласи дунёга келганида эса ҳақиқатга тушган эри ўзини босолмабди. "Сен қанчақанасан ўзи? Нега алла айтмайсан?!" дея дўқ урибди. Унинг ваҳоҳатидан кўрқиб кетган Робия шоша-пиша жигаргўшасига алла айта бошлабди.

Қарангки, ҳеч қанча ўтмай гўдак ширин уйкуга кетибди. Соғ-саломат улғая бошлабди. Бирок она боқияш ҳар сафар ўзи айтган алладан ўзи хомуш тортиб, тушқунликка берила бошлабди. Анчадан буён кўрмаган ота-



онаси, туғилган қишлоғи, болалик чоғлари, бирга униб-ўсган дўгоналари ёдига тушибди. Ёдига тушибди-ю, юрак-бағрини соғинч тўйғуси чунонам ўртаб юборибди. Шундагина Робия волисидининг ўтинчи беҳиз эмаслигини, у қизи фарзандига алла айта, киндик қони томган гўшани соғинишини, она юрт ҳажрида қуйиб, қийналишини яқши билганини англаб етибди...

Инчунин, алла нафақат болани ухлатиш учун асқотадиган, балки инсонни она заминга боғлаб турадиган, Ватанин севадирадиган қудратга эга буюк ва улуг қўшиқ ҳамдир. Уни тинглаб катта бўлган ўғил-қизлар аждодларга муносиб қомил инсонлар бўлиб етишадилар.

Масаланинг яна бир муҳим жиҳати, алла одатда бешиқ ёки беланчакда туғилса болага айтилади. Бешиқ билан беланчак эса, ўзингизга маълум, чақалоқни белаб ва тебратиш ухлатишга мўлжалланган махсус мосламалар бўлиб, ўзбек, туркман, қирғиз, қорақалпоқ ва бошқа Шарқ халқлари орасида қадимдан ишлатилиб келинган. Буни шундан ҳам билиш мумкинки, улар кўҳна ёзма манбаларда, хусусан, XI асрнинг машҳур қомуси олимни Маҳмуд Кошғарийнинг "Девону луғатит турк" асариди ҳам тилга олинган.

Бешиқ асосан туг ва ол дарахлари ёғочидан ясалди. Икки томонидаги ярим доирасимон йўрға оёқларига узунлиги 1,2 метр, эни 8-10 сантиметрлик қасқонлар маҳкамланиб, қуббалар билан жиҳозланган дастага бириктирилади. Боланинг боши ва оёқларини муҳофаза қилиш учун қасқонлар ичиға бошлогий ва бағалак чўплар қотирилади. Бандларига нақшлар уйилиб, турли рангларга бўялади. Бешикка гўдакни белаш учун ип ёки шойи матоддан қовуз тўшакча, таг-лик қўрпача, ёстиқча, қўлбоғлар, говрапўш, чойшаблар текилади. Мусламининг юпса тахтачалардан иборат остки қисмидаги махсус жойга эса тувақ ўрнатилади. Ана шу боис бешик-

да ётган боланинг таги доимо қуруқ ва тоза туради. Бу унинг касалликка чалиниши ва ортиқча безовталанишининг олдини олади. Бешикнинг бир маромда тебраниши, унга она алласининг ҳамоҳанг бўлиши эса чақалоқ руҳиятига ижобий таъсир кўрсатиб, тинч-осуда ухлашини, соғлом ўсишини таъминлайди. Бундан ташқари, ёстиқча остиға қуйиладиган қулча нон, бешиқ дастасига осиладиган муңюқ туморлар, момоларимизнинг айтишуларича, гўдакни ҳар хил инс-жинслар, турли бало-қазолар ва кўз тегишидан асрайди. Шунга мувофиқ, халқимиз бешикка азалдан юксак баҳо бериб келади. У ҳақдаги фикр-хулосаларини мухтасаргина ифодалаб, "Бешиқ боласи — бек боласи!" дейди.

Мавриди келганда, яна бир ҳақиқатни эслатиб ўтиш лозим. Марказий Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқ халқларида, чунки, бизда ҳам ёш оилда биринчи фарзанд дунёга келган, бешиқ тўйи ўтказиш хайрли аънамага айланган. Бешикни барча буюм-жиҳозлари билан бирга чақалоқнинг она томондан қариндошлари — бобоси, бувиси, тоғаси ва хоҳалари ҳада қилишади. Маросим дастурхонига эса пати нон, турли-туман ширинликлар турғишади. Болани бешикка одатда фарзанд аёл белади. Сўнгра яқин қариндошлар ўз совғаларини беришади, бешиқ устидан ширинликлар сочиб, гўдакка бахт-саодат тилашади.

Мўъжазгина бешиқ кейинчалик тўнғич боланинг ука-синглиларига ҳам максон бўлади, не-не аллаларга доялик қилади. Уни тортиқ қилиш билан боғлиқ дунё эса қўда-андаларни бир-бирига қинаштиришда, янги қариндошлар ўртасидаги дўстона ришталарни мустаҳкамлашда чўнг аҳамият касб этади. Шу боис бешиқ ҳам, уни тебратиш айтилладиган алла ҳам завоқ топмай, асрлар оша яшаб келмоқда.

Ҳўш, эртақ-чи? Эртақ халқ оғзаки ижодининг энг қадимий ва оммавий жанрларидан

бири бўлиб, "Девони луғатит турк"да бир замонлар "этуқ" шаклида ишлатилгани эслатиш мумкин. Ҳозир турли жойларда турлича аталади. Масалан, Сурхондарё, Самарқанд, Фарғонада матал, Бухорода ушук, Хоразмда варсоки, Тошкент шаҳри ва унинг атрофида чўпчак дейилади.

Эртақлар ҳамма замонларда ҳам навиҳол ўғил-қизлар билан мулоқотда бўлишининг энг самарали усулларидан бири саналган. Чунки эндигина ақлини таний бошлаган болага бутун борлиқ, ён-атрофидаги мавжуд нарсалар, ҳаётда содир бўлаётган воқеалар-ҳодисалар ва ўзгаришлар ниҳоятда сирли туюлади. Ҳаёлида ҳаммиса "Бу нима? Ана-виси-чи? Улар қандай пайдо бўлган? Нега шунақа?" деган саволлар чарх уради. Уларга имкон қадар тезроқ жавоб топишни, дунё ҳақида кўпроқ тушунача эга бўлишни истайди. Бу макссадиға эришиш учун, аввало, ўз яқинларининг, яъни ота-онаси ёки бобо-бувисининг кўмағига таянади. Охири ҳаммиса кўнглини тўғайдиган, инсонни мудом яхшиликка етаклаб, эзгу ишларга ундайдиган эртақларни тинглаётганида эса, қаттиқ хайратга тушиб, руҳиятида жиддий ўзгаришлар рўй беради. У ҳикоя қилинаётган воқеаларни беихтиёр ўз ҳаётига таққослайди, олдида турган муаммоларни бартараф этишда эртақ бош қаҳрамонлари тажрибасидан фойдаланишга интилади. Чунки болалар табиятан ижобий қаҳрамонларга тақлид қилишга мойил бўладилар, ақсарият ҳолларда уларга ўхшашни хуш кўрадилар.

Яна бир муҳим жиҳати шуки, эртақларда "Фалон ишни қил, пистон ишни қилма, фалончидан ўрнак ол, пистончигу ўхшам!" қабилидаги насихатомуз гаплар умуман бўлмайди. Шундай эса-да, бола ундан тегишли сабоқ чиқаради. Қаҳрамонлар ишини ўзича таҳлил қилиб, тасаввурини бойитида. Пировардида мустақил

фикрлашни ўрганади. Бора-бора ўзи ёқтирган чўпчакларни ўзгалар ёрдасисиз ўқишга киришади. Ана шу заил секин-аста адабиётга ошно тугинади.

Кўриб турибсизки, эртақлар шунчаки ўтмиш воқеаларидан иборат чўпчак ёки фақат болани вақтинча чалғитиб, ухлатиш воситаси эмас, балки инсон қалбига ижобий таъсир қўсатувчи омилдир. Модомики, шундай экан, ўз-ўзидан ҳақли савол туғилади: ҳўш, биз алла ва эртақларнинг юқорида эслатилган бебаҳо имкониятларидан рисоладагидек фойдаланаямизми? Бугунги кунда орамизда чақалоғига астойдил берилиб алла айтаётган оналар, оқшомлари неварасига эртагу ривоят сўзлаб бераётган момолар, жиллакурса, ҳаётий далилларни мисол келтириб, ёшларга панд-насихат қилаётган катталар кўпми?

Афсуски, бу саволларга баралла "Ҳа!" деб жавоб беришимиз дарғумон. Сабабини ҳар қим ҳар хил изоҳлаши мумкин. Кимдир "Бозор иқтисодиёти шароитида ашяямиз. Ташвишимиз бошимиздан ошиб-тошиб ётибди, эртақ айтишга вақт қайда?" деса, бошқа бирор "Бизнинг давримиз — ахборотлар асри. Болаларимиз ўзлари хоҳлаган эртақни мультфильм сифатида томоша қилишлари ёки электрон нуҳасини топиб ўқишлари мумкин", дея эътироз билдириши тайин.

Яқин одамларидан эртақ эшитган ўғил-қиз ҳар дақиқада уларнинг нақадар олижаноб, нақадар меҳрибон-ғамхўр инсонлар эканликларини теган ҳис этиб туради, ўзини ҳар жиҳатдан ҳимояланган сезади. Аммо бу жараёнда катталар икки нарсани унутмасликлар зарур. Биринчиси — эртақ сўзлаётганларида фарзанд-неваралари ёшини, уларнинг фикрини қабул қилиш қобилиятини инобатга олишлари ва иложи бўлса, боланинг тилида гапиришлари жоиз. Иккинчиси — эртақ айтиш жараёнида бирийла унинг мазмун-моҳиятини тушутириш ёки замонга зойлига боқиб, сюжетига ўзгаришлар киритишга асло ҳожат йўқ. Бола эртақдан ўз тасаввурини ва ақлий қобилияти даражасида хулоса чиқаргани, дунё мураккаблигини, унда ноҳақликлар ҳам рўй беришини, нур, шодлик, бахт, орзу бор жойда соя, ғам-ташвиш, омадсизлик ва армон ҳам мавжуд бўлишини англаб борман маъқул.

Қиссадан ҳисса шулки, бизда миллий тарбиянинг заминини жуда пишиқ-мустаҳкам. Улар халқимизнинг оғзаки ва ёзма адабиётида, миллий урф-одатлари ва аънасаларда ҳам ақс этган. Бир учи боқий қадриятларимизга азалий урф-одатларимизга, иккинчиси бир неча асрлар синиқидан ўтган алла, эртақ, афсона, ривоят, дoston, мақол ва топишмоқларга бориб тақалади. Моҳиятан қалб ва фикр тарбиясини, ҳатто жисму тан тарбиясини қамраб олади. Зеро, бугунги ота-оналаримиз ўғил-қизларни тарбиялашда улардан ўринли фойдалансалар, нур устиға аъло нур бўларди. Шунингдек, адабиёт фани ўқитувчилари дарсларни халқ педагогикасига уйғунлаштириб олиб борсалар, зарар қилмасди. Негаки, халқимизнинг оғзаки ва ёзма ёдгорликлариди ҳар қандай мавзуга доир маъна топилади. Биз уларга таянсақ, ўзалигимизни янада теганроққ англаймиз. Алқисси, келажикимиз ворисларини ҳеч қачон ҳеч қимдан кам бўлмайдиган, эл-юрт қорига ярайдиган, ҳар томонлама баркамол инсонлар қилиб воғая етказиш бахтига муяссар бўламиз.

Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, журналист

1 апрель — Қулғу ва ҳазил кун

Табассум табиатнинг одамзодга бахш этган беғараз эҳсонини, инсоннинг кўрқидир. Донолар ўринли қулгини зах ерга келган сувга ўхшатадиларки, бу бежиз эмас, албатта.

Қулғу қулғи, ёқимли, самимий жилмайиш инсонга бутун ҳаёти давомида йўлдош бўлмоғи лозим. Агар шодлик, вақтинчи бўлмаса, зехн ўтмаслашади, заифлашади. Ҳақиқий қулғи олижаноблиқни, ақллилик ва гўзаллиқнинг ахлоқий кучини ифодалайди. И.Гёте "Одамларнинг ҳақиқий характери қулғанларидангина чинакам намоён бўлади" деганида мутлақо ҳақ эди. Дарҳақиқат, одам хушчақнақ кишини кўрганда завқланиб кетади, кўнглида худди шу кишидек беғубор яшаш орзуси пайдо бўлади.

Қулғи инсонга хурсандчилик, беғуборлик бағишлайди, ташвиш ва ғамларини эсдан чиқаради. Бу ҳақда улуг шоир Абдураҳмон Жомий бундай дейди: **Синқилган кишиға қулғу бахш этмоқ,** **Бир ботмон қандан ҳам билгил, яхшироқ.** **Шакардан топади маза оғиз, тил,** **Қулғидан топади лаззат руҳу дил.**

Қулғининг фойдаси халқимизга қадимдан маълум. Ота-боболаримиз тўйларда, турли маросимларда, истироҳат боғларда, чойхоналарда аския қилиб, ўзларини ҳам, бошқаларини ҳам хурсанд қилганлар.

Мутахассисларнинг фикрига қараганда қулғи, хурсандчилик натижасида иштаха очилади ва оқват тез ҳазм бўлади, ўпкада ҳаво алмашинуви яхшиланади. Қулғи кишининг меҳнат фаолиятини оширади, қийинчиликларни енгишга ёрдам беради, иродани мустаҳкамлайди.

Шерзод МУБОРАКОВ Наманган шаҳри

ҚУЛГУНИНГ ФОЙДАСИ

«Дўрмон ҳанвомалари» туркумидан

ҲОЛВА

Бир хонадондан унаштириш маросими бўлаётган эди. Таомилга кўра нон ушатилибди. Ок ҳолвани бўлақлаётган қўда томон вақили:

— Юпқалигини қаранг, илгариги ҳолвалар зўр бўларди, — дебди.

Беихтиёр ўртада ноқулай жимлик пайдо бўлганини сезган ёзувчи Хуршид Дўстмуҳаммад:

— Вазият юмшаб, ҳамма жонланяб, жилмайиб маросимини давом эттирибди.

"Гўзалликни отиб бўлмайди"

Шоир Тилак Жўрани (Оллоҳ раҳматига олган бўлсин)

дўстлари овға олиб чиқишибди. Елкада милтиқ, обдон дала-даштни кезиб толиққан улфатлар яқка-яқка ов қиладиган бўлишибди.

Бир маҳал дайдиб юрган бир тулки шoirнинг рўпарасига келиб тўхтаб қолди. Шерриклар унга "Отинг!", "Отинг!" дея имо-ишора қилишибди. Шоир эса тулғига тикилиб турариверибди. Ишоралар, қистовлар қучаяверган, шоир беихтиёр милтигини тулғига тўғрилади-ю, отолабди. Тулки эса "лип" этиб қўздан гойиб бўлибди.

Дўстлар шоирни ўртага олиб, иддао қила бошлабди. — Нега отмадингиз? — Зўр имкониятни қўлдан чикарддингиз-да!

— Ўзи тулки бўлса ҳам жуда чиройли экан, гўзалликка ўқ узолмадим, — дебди Тилак Жўра қулиб.

ҚАРИНДОШМАС, БУРУНДОШ

Таниқли адабиётшунос олим, филология фанлари доктори, Фарғона педуниверситети профессори Йўлдош Солижонов ташки қўринишидан Саид Аҳмадга ўхшаб кетаркан. Бир кун учрашувда мухлислар ундан сўраб қолишибди: — Домла, мабодо машҳур ёзувчимиз Саид Аҳмад билан қариндош эмасмизми? Йўлдош ака кулимсираб: — Йўқ, — дебди, — қариндош эмасман, мен Саид Аҳмад ака билан бурундошман!

ЎЛИБ КЕТИШГАН

Кунлардан бир кун таниқли созанда Элмурод Исломов машҳур аскиячи ва доирча Абулқосим Тўйчиевга овозини сал ўзгартириб сим қоқади:

— Абул, ҳой Абул!

— Абул дейман, ҳой Абул!

— Ҳой, нима бўлди? Нега даминг ичингга тушиб кетди? — Ҳайронман, мени Абул дейдиганлар ҳаммаси ўлиб кетган эди-ку!

ШЛЯПА

Раҳматли Шўкур Холмирзаев юрса ҳам, турса ҳам бошидан шляпасини олмасди. Шляпа бамисоли унинг "имижини" эди.

Шодмон ОТАБЕК

HURRIYAT MUSTAQIL GAZETA. Манзил: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Электрон манзил: hurriyat@doda.uz

Бош муҳаррир Уктам МИРЗАЁРОВ. Тахрир хайъати: Назира АБДУАЗИЗОВА, Фирдавс АБДУХОЛИҚОВ, Камол АЛЛАЁРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Фулом МИРЗО, Феруза МУҲАММАДЖОНОВА, Акмал САИДОВ, Сайид УМИРОВ, Шерзод ГЎЛОМОВ. Вилоят муҳбирлари: Бухоро — 8-365-592-85-02, Самарқанд — 8-366-233-62-12, Сурхондарё — 8-376-396-30-59, Фарғона — 8-373-215-80-58.

Телефонлар: 236-53-31, 236-53-38, 236-75-15, 233-67-51. Реклама ва маркетинг бўлими: 236-55-13 Тел-факс: 233-36-02. Тахририятга келган хатлар доимий эътиборимизда.

ISSN 2010-7528. Индекс: яқка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233.

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Ҳажми 4 босма табоқ, Бичими — А-2. «Шарқ» нарийёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Навбатчи: Фозил ЖАББОРОВ. Топшириш вақти — 21.00, Топширилди — 21.15. Алади: 12574 Буюртма — Г-355 1 2 3 4 5